

Назира унинг мақсадини тушунгандек бўлди. Мудира ҳам ишни тезроқ битириш учун "хизмат ҳақи" 150 АҚШ доллари бўлишини айтди. — Бу гап ўртамизда қолсин, пулни тезлаштиринг. Жойлар кам, сизга ўхшаб боласини жойлаштироқчи бўлган ота-оналар эса кўп. Болаларингиз қолиб кетмасин, дейман. Мудиранинг гапларидан шошиб қолган Назира чорасиз қолди.

9 бет

Фириб борасида «тажриба орттирган» З.Ахророва ўтган йилнинг сентябрь ойида бошқа бир мижоз, оилавий корхона ташкил қилган М.Дўсматовнинг ҳам қўл телефонида бир неча бор қўнғироқ қилиб, холи-жонига қўймайди. Юзма-юз келгач, ҳисоб рақамидаги пулни вақтинча бериб туришини илтимос қилади. «Ун кун ичида жойига қўйиб қўяман», дея ишонттиради.

11 бет

Ҳуқуқ

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2016-yil 10-noyabr, №45 (1034)

Жараён

Демократик ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда инсон ҳуқуқларини, хусусан, унинг давлат органларига мурожаат этиш борасидаги конституциявий ҳуқуқини таъминлаш гоёат муҳим аҳамиятга эга. Zero, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари жойларда ишқотлар қандай амалга оширилаётганини, қонунлар ижросини, раҳбарларнинг фаолиятини баҳоловчи мезонлардан бири ҳисобланади.

Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида

Салом САМАДОВ,
Қашқадарё вилоят прокурори

Мурожаатларда нафақат кимнингдир дарду ташвиши, талаб ва илтимоси, балки эл-юрт манфаатлари ҳам ўз аксини топади. Ўзбекистон ҳукумати порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш доимий эътибордаги масала эканлигини яна бир бор исботлади. Юртдошларимиз ўзларини ташвишлантираётган масалалар, ҳал этилмаган турли муаммолар юзасидан бевосита ҳукуватимиз раҳбарига жуда қулай ва осон усулда мурожаат қилиш имконига эга бўлдилар. Виртуал қабулхонага йўлланаётган ҳар бир мурожаат эътиборда. Минглаб ариза, шикоят ва таклифлар ўта тезкорлик билан қўриб чиқилиб, жойларда уларни ҳал этиш чоралари қўрилаётганлиги одамларни ниҳоятда мамнун этмоқда, уларнинг давлатимиз сиёсатига, қонун устуворлигига бўлган ишончини янада оширмоқда. Юртдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига муаммолари тезда ҳал қилинаётгани учун миннатдорлик хатлари жўнатмоқдалар.

Мамлакатимиз Бош вазирининг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларнинг тез ва самарали ҳал этилишини таъминлаш учун ҳамма жойда бўлгани сингари вилоятимизда ҳам барча чоралар қўриломоқда. Давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва бошқа органларда мурожаатларнинг ҳал этилиши мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жорий йилнинг 29 сентябрь кунини Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган селектор йиғилишида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлашда раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга қаратилган аниқ вазифалар қўйилди. Ана шу долзарб вазифаларни ўз вақтида, тўла бажариш мақсадида шу йилнинг 3 октябр кунини бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида тегишли чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

(Давоми 3-бетда)

Назорат-таҳлил яқунлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг "Қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятида ижро этилишини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш яқунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ, жамият тараққиёти, фан ва техниканинг илгор ютуқлари республикаимизда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифатининг тобора ортиб боришида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Андижон вилоятида қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга ҳамда юқори самарали, экология жиҳатидан хавфсиз ва кам захарли кимёвий ва биологик препаратларни қўллаш ҳисобига ҳосилни сақлаб қолишга йўналтирилган

кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш юзасидан ягона давлат сиёсати амалга ошириб келинмоқда.

Тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида биологик кураш усули билан ишлов бериш 2016 йилда 2,2 млн. гектарга ошган. Зараркунандалар кенг тарқалган ва ривожланган майдонларда юқори самарадорлиги тез таъсир қилиши билан ажралиб турадиган, юқори иқтисодий самара берувчи, танлаб таъсир қилувчи ва атроф-муҳитга, инсонга ва тирик организмларга зарарлилик даражаси паст (III-IV класс) ҳамда қўллаш учун қулай бўлган кимёвий препаратлардан фойдаланиш тизими йўлга қўйилган.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон саломатлиги, тупроқ, ҳаво ва сув ҳавзаларидаги ҳолати ва мазкур табиий унсурлардаги

тирик мавжудотларга кўрсатилган таъсирини баҳолаш, уларнинг захарлилик даражасини аниқлаш бўйича тегишли ваколатли органлар томонидан муайян ишлар олиб берилмоқда. 2014-2016 йилларда хорижий давлатлардан олиб келиниши режалаштирилган 90 та препаратга санитария-эпидемиологик хулосалар берилган ва инсон саломатлиги учун зарарлилиги юқори бўлган ҳамда етарли маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги учун 13 та препаратларга санитария-эпидемиологик хулосалар берилмаган. 188 та кимёвий дори воситалари текширувдан ўтказилиб, экологик-токсикологик хулосалар берилган ва атроф-муҳитга таъсири зарарли 3 та кимёвий дори воситаларига Ўзбекистонда қўлланилишига рўхсат берилмаган.

Тадбир сўнггида депутатлар томонидан қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини ҳимоя қилиш воситаларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, уларни ташиш, сақлаш қоидалари ва қўллаш регламентларига риоя этиш юзасидан тавсиялар берилди ҳамда кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз

Ҳамкорлик

ФАТФнинг навбатдаги ялпи мажлиси

Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ўзининг салбий оқибатлари билан глобал муаммо сифатида бутун дунё давлатларини ташвишга солмақда.

Искандар АЛИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлим катта инспектори

Шу каби жиноятларга қарши курашишда барча давлатларнинг мазкур соҳага оид миллий тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориш ва халқаро микёсда ахборот алмашиш жараёнини ташкиллаштириш энг долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти вакилларида ташкил топган Ўзбекистон Республикаси делегацияси Париж (Франция) шаҳрида бўлиб ўтган Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ)нинг навбатдаги ялпи мажлисида иштирок этди.

Мажлисида ФАТФга аъзо давлатлар, ФАТФнинг кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлари ва ташкилотлари, Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи (ЕОГ)га аъзо давлатларнинг вакиллари иштирок этдилар. Унда тинчлик ва халқаро барқарорликка таҳдид солиб турган халқаро террористик гуруҳ (ИШИД) тузилмаси ҳақида алоҳида муҳокамалар ўтказилиб, ҳар бир давлат мазкур тузилманинг ўзи молиявий тизимлардан фойдаланишининг олдини олиш борасида зарур ва кескин чоралар қириши юзасидан фикрлар билдирилди.

Шунингдек, ялпи мажлис давомида Шарқий ва Марказий Африкада терроризмни мо-

лийлаштириш юзасидан ислохотлар лойиҳасини амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) вакили ҳам мазкур ҳудудда террористик гуруҳларни молиялаштириш билан боғлиқ ҳолатлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, ялпи мажлис доирасида ФАТФга аъзо давлатлар АҚШ, Бразилия, Япония ва Швейцариянинг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумоти қўриб чиқилди ҳамда бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масалалардан яна бири халқаро молиявий тизимга хавф туғдираётган мамлакатлардаги (ФАТФнинг қора рўйхатида кирувчи) вазиятни қўриб чиқишдан иборат бўлди. Муҳокама натижалари асосида ФАТФнинг қора рўйхатида бўлган давлатларга нисбатан халқаро молиявий тизимни жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хавфидан ҳимоя қилиш мақсадида тегишли қарор чоралар қўриш юзасидан музокара олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг юқоридаги каби халқаро йиғилишларда иштирок этиши жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Обуна — 2017 • Обуна — 2017 • Обуна — 2017 • Обуна — 2017

Ҳурматли юртдошлар!

2017 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.



Нашр индекси - 231

Қоидада бўйсунмаслик оқибати

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид Ўзбекистон Республикаси қонунилари, ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Эътибор ва самара

Дилшод АБДУЛЛАЕВ,
Тўрақўрғон туман
прокурорининг ёрдамчиси

Мазкур соҳада ўтказилаётган назорат тадбирларида асосий эътибор давлат бошқаруви ва назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар яратиши, тадбиркорлар фаолиятига асосиз аралашшга йўл қўймасликка ва бу каби ҳолатларни бартараф этишга қаратилмоқда.

Хусусан, 2016 йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган текширишларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсиқлик қилиши ва уларнинг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ 103 та ҳолат аниқланиб, туман прокуратураси томонидан тегишли тартибда қонуний чоралар кўрилди. Текширишлар якунига кўра протест келтириш йўли билан 39 та қонунга зид ва асосиз ҳуқуқий ҳужжатлар қонунга мувофиқлаштирилиб, айбдор шахслар қонуний жазога тортилди.

Таъкидлаш жоизки, фаолияти тўхтаб қолган корхоналарнинг фаолияти қайта тикланиши, эл-юрт раванқига, жамият иқтисодийётига ҳисса қўша оладиган ва бозор талабларига ҳар жиҳатдан мос, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир корхоналар қаторидан ўрин олишига эришиш учун ҳар жиҳатдан амалий кўмак зарур. Туман прокуратураси томонидан ушбу масалага ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, туманда йил бошидан фаолият кўрсатмаётган корхоналар аниқланиб, улардан саккизтасининг фаолияти тикланишига эришилди. Бундай тадбирлар самарасида 15 та янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, "Тўрақўрғон итисос ўғит савдо" хусусий корхонасида 5 та, "Фарход Диёр сервис" хусусий корхонасида эса 3 та, "Сайрам сервис", "Иқболли Аброрбек", "Бунёд Алишеревич" МЧЖ, "Маҳмудбек Жасурбек" хусусий корхоналарида 2 тадан, "Алоқачи", "Мега савдо инвест" каби корхоналарда 1 тадан янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, юқорида номлари қайд этилганлардан "Бунёд Алишеревич" ва "Фарход Диёр сервис" корхонасида 13 миллион сўм кредит маблағлари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, ҳар ойда 2 марта тегишли идоралар билан биргаллик тадбиркорлар иштирокида учрашувлар ташкил этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, фаолиятларида белгиланган қонун меъёрларига қатъий равишда амал қилишлари ҳамда имтиёзлардан фойдаланишларида кўмак беришдан иборатдир.

Тепловоз ва автомашина тўқнашиб кетди. Ким айбдор, машинистми ёки ҳайдовчи?! Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати қоидалари"га мувофиқ, транспорт воситалари ҳайдовчилари темир йўлларни фақат темир йўл кесишмалари орқали поезд (локомотив, дрезина)ларга йўл бериб кесиб ўтишлари мумкин.

Темир йўл кесишмасига яқинлашиб келаётган ҳайдовчи йўл белгилари ва чизикларига, светофор ишораларига, шлагбаум ҳолатига, кесишма навбатчисининг кўрсатмаларига амал қилиши, яқинлашиб келаётган поезд (локомотив, дрезина) йўқлигига ишонч ҳосил қилиши шарт.

Шлагбаум ҳолатидан қатъи назар светофорнинг таққилоқи ишорасида, агар кўриниш чегарасидаги масофа кесишмага поезд (локомотив, дрезина) яқинлашиб келаётган бўлса, темир йўл кесишмасига кириш тақиқланади. Кесишма орқали ҳаракатланиш тақиқланган ҳолларда ҳайдовчи тўхташ чизиги йўл белгиси ёки светофор олдида, улар бўлмаганида шлагбаумга камида 5 метр, шлагбаум бўлмаганида эса биринчи темир йўл чизигига камида 10 метр қолганида автомобилни тўхташи шарт.

Ушбу қоида 77-банди 3-қисмида белгиланганидек, ҳаракатланиш вақти

да ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада қамайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши зарур.

Бироқ "Ласетти" автомашинаси ҳайдовчиси ушбу талабларни қўпол равишда бузиб, темир йўл кесишмасида тепловозга урилган. Ўттиз уч ёшга кирган Асатилло Ахтамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) аввал ҳам йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган эди. Аммо қоидабузар бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган экан.

Суд мажлисида аниқланганидек, А.Ахтамов шу йил 11 июнь кuni эрталаб ўзининг автомашинасида шаҳарга йўл олади. Тугруққона яқинида қўл кўтариб тўхтатган Гавҳарой ундан

Олтириққа олиб бориб келишини суради. Шаҳарга қайтиб келганларидан кейин Гавҳарой йўл ҳақини беради. Кечқурун соат ўнларда улар яна телефон орқали боғланиб, иш юзасидан йўлга отланадилар. Машинада кичик айлана йўлдан Қува йўлига қичуви Янги баҳор кўчасига бурилишди. Кўчани кесиб ўтган темир йўлга яқинлашаётган, чап томондан келаётган тепловознинг чироғига Асатиллонинг кўзи тушиб, торозни босади, бироқ кеч эди. У белгиланган қоидаларга амал қилишни истамай, келаётган поезддан олдин темир йўл кесишмасидан ўтиб олишни мақсад қилган эди. Аммо мўлжални хато олган. Тепловоз автомашинани уриб юборди. Ҳайдовчи қасалхонада ҳушига келди. Афсуски, кўрсатилган тез тиббий муолажаларга қарамай автомобилнинг тепловозга урилиши туфайли оғир жароҳатлар олган йўловчи аёл Г.Ҳайитова ҳаётдан кўз юмади.

— Соат йигирма уч яримга яқин Фарғона шаҳар, Янги баҳор кўчасидаги темир йўл ва автомобиль йўли кесишмасига яқинлашаётган, сигнал чалдик, — дейди гувоҳ, машинист ёрдамчиси Н.Наимов. — Кесишмага 400 метр масофа қолганида, ўнг томондан автомашина келаётганини кўрдик. Автомашина тазликини қамайтирганга ўхшади, мен тепловознинг оғохлантуруви чироғини ўчириб ёқиб, сигнал чалдим, лекин автомашина тўхтамай тепловознинг йўлига чиқиб кетди ва тўқнашув содир бўлди. Зудлик билан тепловозни тўхтатиб, ҳайдовчи ва йўловчини бошқа машинага чиқариб, шифохонага жўнатдик.

Ҳайдовчи А.Ахтамов юқорида келтирилган амалдаги йўл ҳаракати қоидаларини менсимагани оқибатида бирининг умрига зомин бўлди. Судланувчига уч йил муддатга автомашина бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда қилмишига мувофиқ жазо тайинланди.

Сирдарё вилоятининг марказида, Гулистон, Янгиер шаҳарлари ҳамда Сирдарё туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилди.

Тадбирлар давом этмоқда

Феруз АРТИКОВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Унда тадбиркорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ва адлия идоралари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, ҳокимлар, "Ягона дарча" марказлари директорлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар ҳамда коллеж битирувчилари иштирок этди.

Тадбирда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиши, соҳа вакилларининг эркин ва самарали фаолият юритиши учун кенг имконият ва имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Мазкур фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, соҳадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорларга кенгрок имконият яратиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Давра суҳбатига сўзга чиққанлар ушбу фармон тадбиркорлар, ишбилармонлар учун улкан имкониятлар эшигини янада кенг очганини, эндиликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эркинликлар кенгайтирилганини, тадбиркорлик фаолиятига асосиз аралашувларга чек қўйилиб, пировардида ҳуқуқбузарлик, ортиқча овозгарчилик ҳолатлари қамайишини таъкидлашди.

Суҳбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги қаролатларининг ҳуқуқий механизmlарини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида давлатимиз томонидан қатта ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Иштирокчиларга оливалый тадбиркорлик, қасаначилик, бизнес-режа тузиш, кредит олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, тижорат банклари томонидан микроолиявий хизматлар кўрсатишининг ҳуқуқий асослари тўғрисида маълумотлар берилди.



Мансабидан фойдаланган солиқчи

Жамшидбек БЕГМАТОВ,
СВӨЖДЛҚК департаментининг Балиқчи туман бўлими бошлиғи

Юртимизда жиноятчиликка қарши курашиш борасида кенг қўллами ишлар амалга оширилаётган бир пайтда бирининг ҳақидан ҳазар қилмай, нафсини устун билиб, мулкий наф қўриш истагида ўзгалар ишончига кириб, алаш ва тамағирлик қилишни касб қилиб олганлар ҳамон учраб турибди.

Мисол учун, Балиқчи туман Давлат солиқ инспекцияси бош юрист консультанти-маъмурий амалиёт бўйича бош мутахассис лавозимида ишлаган Хомиджон Комилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг содир этган хатти-ҳаракатларини олайлик. Қанда ушбу шахсга тегишли жиноят иши суд муҳокамасида қўриб чиқилди.

Дастлабки тергов ва суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Х.Комилов солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текшириш ва рейд тадбирлари натижасида тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, ўз манфаатлари йўлида қасддан фойдаланиб, жиноятга қўл урди.

У 2016 йил март ойида ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган рейд тадбирида фуқаро Х.Каримовнинг ноқонуний равишда аҳолига пулли транспорт хизмати кўрсатиб келаётгани ҳақида тўпланган маъмурий иш материалларини судга чиқариб, қоидабузарга енгилрок жазо тайинлаши ҳамда иш ҳужжатларига қўшилган фуқаро Х.Каримовга тегишли автомашинанинг техник талонини қайтариб бериш эвазига моддий манфаат кўришни режалаштиради.

Шу мақсадда ҳуқуқбузар Х.Каримовнинг қариндоши Гулшаной Раҳмоновадан 1 млн. 300 минг сўм пулли "хизмат ҳақи" сифатида олаётган вақтда ушланди.

Суднинг ҳукми билан Х.Комилов Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, 5 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдоридеда жазо жазосига тортилди.

Инсон манфаатларини ҳимоя

қилиш йўлида



[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Вилоят прокурори ва барча мутасадди идораларнинг раҳбарлари масъуллигида мурожаатлар билан ишлашнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ишчи гуруҳи тузилди. Шунингдек, мурожаатларни жойида ўрганиш ва қонуний ҳал этиш мақсадида Қарши шаҳри ва барча туманларга давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг масъул ходимлари бириктирилди.

Аҳоли пунктларида, меҳнат жамоаларида раҳбарларнинг сайёр қабуллари, бевосита мулоқотлари ташкил этилмоқда. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунида белгиланган ҳуқуқ ва бурчлари юзасидан тарғибот олиб борилмоқда. Бундай тadbирларда мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилганлиги, хусусан, мурожаат этишга оид қонунчилик такомиллаштирилиб, давлат органлари ва муассасалари раҳбарларининг бу борадаги масъулияти кучайтирилганлиги алоҳида қайд этилмоқда.

Маълумки, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳар йили катта ишлар амалга оширилмоқда. Деҳқонбод туманида яшовчи фуқаро Ж.Мўминов 2016 йил 10 октябрда виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, тумандаги агросаноат коллежига ишга киришда амалий ёрдам кўрсатишни сўраган. Ишчи гуруҳ томонидан ушбу мурожаат ўрганиб чиқилиб, ариза муаллифи Деҳқонбод агросаноат коллежига ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш таъминланди.

Фуқаро А.Ҳамраев эса ўз мурожаатида "Чироқчи озик-овқат деҳқон бо-

зори" масъулияти чекланган жамияти мулкчи улуш борасидаги шартнома талабларини бажармаётганлигини маълум қилиб, қонуний ҳақини ундириш ёрдам кўрсатишни сўраган. Мазкур мурожаатни ўрганиш мобайнида "Чироқчи озик-овқат деҳқон бозори" жамияти томонидан Ҳамраев ва Дабаловаларнинг ҳар бирига 10 миллион сўмдан, жами 20 миллион сўм маблағ нарқ пул шаклида қайтарилди ва уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ғузур туманида яшовчи фуқаролар А.Ортиқов ва Ж.Тўхтаевнинг бузилган уй-жойлари учун компенсация тўловлари тўланмаётганлиги ҳақида виртуал қабулхонага йўллаган мурожаатлари ҳам ўрганиб чиқилди. Уларнинг талаблари асосли бўлганлиги учун пластик карточкаларига биринчи тўлов сифатида 82 миллион сўм ўтказиб берилиши таъминланди.

Албатта, ижобий ечимини топган бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Умуман, жорий йилнинг 24 октябрь ҳолатида Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига йўлланган ва Бош прокуратура орқали бевосита вилоят прокуратурасига келиб тушган мурожаатлардан 214 тасининг қонуний ҳал қилиниши таъминланди, шу жумладан, 61 таси бўйича муаллифларнинг талаблари қаноатлантирилди, 151 таси бўйича асослантирилган тушунтиришлар берилди.

Таҳлилларга кўра, вилоят прокуратурасига юборилган ушбу мурожаатларнинг 64 таси тергов ва суриштирув, 49 таси суд қарорлари ижроси, шу жумладан, алимент ундируви, 43 таси меҳнат муносабатлари, 32 таси судларда жиноят ва фуқаролик ишлари кўрилиши, 31 таси қишлоқ ҳўжалиги, шу жумладан, фермер ҳўжалиқларига ер ажратиш, 23 таси уй-жой, 17 таси таълим, 11 таси ижтимоий ҳимоя, 9 таси тadbиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ масалалар хусусида бўлиб, уларнинг асосий қисми 5 кун, 7 таси 15 кун

ичида ҳал қилинди ва бугунги кунда 76 таси бўйича текширишлар давом эттирилмоқда.

Мурожаатларни ҳал этиш натижаларига кўра аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 3 та ҳуқуқий ҳужжатга протест келтирилди, тегишли мансабдор шахсларга 4 та тақдирнома киритилди, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 5 та жиноят иши қўзғатилди, айбдор шахслардан жами 250,3 миллион сўм миқдоридagi зарар ихтиёрий равишда ундирилиши таъминланди, энг муҳими, бу жараёнда 31 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Масалан, фуқаро Г.Мусаеванинг мурожаати вилоят прокуратураси томонидан текширилиб, қарздордан унинг фойдасига 3,2 миллион сўм алимент пули тўлиқ ундириб берилди. У мурожаати қисқа муддатда ҳал этилганлиги учун мамлакатимиз Бош вазирга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Назорат тadbирлари мобайнида электрон мурожаатларни ҳал қилишда баъзи мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан қонун талабларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланмоқда. Масалан, Қарши шаҳри, Деҳқонбод, Шаҳришабз, Косон, Чироқчи, Муборак, Қарши туманларида электрон мурожаатларни ҳал этишда белгиланган муддатларга амал қилинмаган. Шунингдек, айрим муассасаларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни сифатсиз текшириш, муаллифга тўлиқ жавоб бермаслик ҳолатларига ва бошқа камчиликларга йўл қўйишган.

Қонун талабларига кўра, мурожаат юзасидан муаллифга жавоб йўлланганда, агар мурожаатни кўриб чиқиш натижасидан норози бўлса, юқори турувчи органга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги ва тартиби тушунтирилиши керак. Бироқ, Косон тумани ҳокимлиги томонидан фуқаролар Х.Холмуродова, Г.Гаппорова, Г.Қиличова, Х.Эшонқулова, М.Эшонқулова, Р.Хидиров, А.Мухаммадиевга мурожаатлари бўйича юборилган жавоб хатларида бу талабга амал қилинмаган. Қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги учун Косон тумани ҳокимининг ўринбосарлари Б.Қўйбоқаров ва А.Эшатовга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шуни афсус билан қайд этиш кераки, виртуал қабулхонага мурожаат

йўллаётган айрим муаллифлар ҳолилик билан асосли маълумотларни баён этишни унутиб қўйишмоқда. Уларнинг орасида ҳатто тамагирлик дардига чалинганлари ҳам учрапти. Масалан, Муборак туманида яшовчи фуқаро С.Хўжакулов томонидан Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига йўлланган мурожаат юзасидан текшириш ўтказилганда, у келгусида виртуал қабулхонага мурожаат қилмаслик ва муқаддам ёзган аризаларини қайтариб олиши эвазига пул талаб қилаётганлиги маълум бўлди.

Вилоят прокуратураси ва миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ходимлари иштирокида ўтказилган тезкор тadbирда мурожаат муаллифи С.Хўжакулов Муборак тумани электр таъминоти корхонаси раҳбари О.Ишанқуловдан 5000 АҚШ доллари ана шундай тамагирлик йўли билан олган вақтида ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан С.Хўжакуловга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Яна бир мисол. Фуқаро Н.Холиқов ўз мурожаатида маҳалла раиси Д.Паёнов укаси Р.Холиқовни Миришкор тумани "Игначи" маҳалла фуқаролар йиғини котибиги лавозимига тайинлаш учун пора талаб қилаётганлигини кўрсатган. Мазкур мурожаат юзасидан Миришкор тумани ички ишлар бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширишда Н.Холиқов маҳалла раисига нисбатан тўхмат қилаётганлиги аниқланди ва ушбу қилмиш учун унга Жиноят кодексининг 139-моддаси 3-қисми "а, г" бандлари билан жиноят иши қўзғатилди ва дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Давр ҳар бир мансабдор шахсдан халқ билан ҳамнафас яшашни, одамларни ташвишлантираётган масалаларга ўзини дахлдор деб билишни, уларнинг мушуқлини осон, оғирини енгил қилишни, ҳаётий муаммоларига ечим излашни талаб этмоқда. Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига йўлланаётган мурожаатларнинг тезкор ҳал этилиши бунга бир бор исботлабгина қолмасдан, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Ҳар ишда бош мезон

Қонун ҳар нарсадан устун, унга бўйсунмиш эса фуқароларнинг муқаддас бурчидир. Кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишда қонунчилик ва унинг ижроси маданияти катта аҳамият касб этади. Зеро, донишмандлар, эркин бўлмақни истagan инсон қонунга итоат этмоги керак, деб бежиз таъкидлашмаган.



ўз фаолиятини барча соҳаларда қонунийликни таъминлаш, адолат барқарорлигига эришишга қаратмоқда. 2016 йилнинг ўтган даврида бу йўналишда 67 та текшириш ўтказилиб, 760 дан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Протест келтириш йўли билан 86 та қонунга зид бўлган ҳужжатлар бекор қилинган бўлса, қонун бузилишларни бартараф этиш бўйича 95 та тақдирнома киритилди. Қўпол қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 22 та жиноят иши қўзғатилиб, 549 нафар шахсга нисбатан интизомий, маъмурий, моддий жавобгарлик белгиланди. Етказилган 46,4 миллион сўм зарарни ундириш юзасидан судларга 11 та давло аризалари киритилди ва 334 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Мазкур текширувлар жараёнида асосий эътибор ижти-

мой муҳофаза, соғлиқни сақлаш тизими, пенсия, нафақа ва иш ҳақларини беришда тўлов интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш, нарқ пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасининг олдини олиш, фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида ҳал этилишига қаратилди. Қонун ижроси устидан ўтказилган текширувда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан 542 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Таҳлилларга мурожаат этилган бўлса, текширишлар натижасида шаҳар ҳудудидаги 22 та маҳалла фуқаролар йиғинида 90 нафардан ортиқ фуқарога қарийб 30 миллион сўм миқдоридagi нафақа пуллари асоссиз тайинланиб, тўлангани маълум бўлди. Аниқланган ортиқча тўловларнинг 23,6 миллион сўми ихтиёрий равишда ундирилиши

Мирзохид ТУЙЧИЕВ,
Наманган шаҳар прокурори

таъминланиб, 22 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Мазкур ҳолат юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилиб, қонунга зид ҳужжатлар протест келтириш йўли билан бекор қилинди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, нарқ пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасининг олдини олиш иш ҳақи, пенсия ва нафақа пуллари кечиктирмасдан ўз вақтида тўланишида гоят муҳим аҳамиятга эга. Йилнинг ўтган даврида аниқланган қонун бузилишлари юзасидан жойларга 22 та тақдирнома киритилиб, шаҳар ҳокимлиги ҳамда ДСМнинг 2 нафардан, тижорат банкларининг 164 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди.

Юртимизда олиб борилаётган жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи барқарор ва юксак даражадаги қонуний ислохотлар бугун ҳар жабҳада ўз самарасини бермоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни биринчи галдаги вазифа сифатида белгилаб олган юртимизнинг тараққий этиб бора-

ётганига, тинчлик ва ободликнинг барқарорлигига ҳамда келажақ сари шухдам одимланаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Тараққиётнинг бош омилли сифатида эса, барча соҳаларда қонун устуворлигига эришишда изчил ва қатъиятли фаолият кўрсатиш ўринли бўлади.

Наманган шаҳар прокуратураси ҳам шу нуқтаи назардан

Бугунги ишни эртага қўйма

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Республика иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2016-2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни таъминлаш бўйича 2016 йил 14 июнда 164-сонли қарори тасдиқланган эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарор ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида ишчи гуруҳи тузилиб, қозонхоналар ва муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш, аҳолини етарли суюлтирилган газ, кўмир, брикетлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида жами 1458 та ижтимоий соҳа объектлари мавжуд бўлиб, уларнинг 1068 таси халқ таълими, 287 таси соғлиқни сақлаш, 103 таси ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги бино ва иншоотлардир.

Жорий йилда республикада 45 та мактабгача таълим

муассасалари, 58 та умумтаълим мактаблари ва 16 та соғлиқни сақлаш муассасаларини, 79 та кўп қаватли уйлар томини капитал ва жорий таъмирлаш белгиланган. Шунингдек, кўмир ёқилгиси, сукултирилган газ, газ баллонлари захирасини яратиш назарда тутилган.

Бироқ қарорда белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши юзасидан прокуратура органлари томонидан олиб борилган текширишларда жойларда қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Амалга оширилган капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ўрганилганда, 13 та муассасада ҳақиқатан бажарилмаган ишлар учун бюджет маблағла-

ри ортикча олинганлиги маълум бўлди.

Нукус шаҳридаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан хизмат кўрсатиб келинаётган 71 та кўп қаватли уйларни капитал ва жорий таъмирлаш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиши белгиланган.

Бироқ текшириш даврида Нукус шаҳар "Наргиз-Шаҳзод" ХУЖМШга 2016-2017 йиллар учун режалаштирилган 126 млн. 100 минг сўмлик имтиёзли кредит банк томонидан берилмаган ва кредит маблағлари ўз вақтида ажратилмаганлиги сабабли текшириш кунига қадар Нукус шаҳридаги 11 та кўп хонадонли уйларда жорий таъмирлаш ишлари шу кунга қадар бажарилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги муасса-

саларда 2016 йил иситиш қозонларини алмаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастурга асосан жами 247 та муассасада 777 та қозонларни алмаштириш белгиланган бўлиб, режа фақат 65 фоизга бажарилган, холос.

Ишлаб чиқилган дастурга асосан инвестиция дастури ҳисобидан молиялаштирилган муассасаларда ушбу йилда иситиш қозонларини алмаштириш режаси бўйича жами 46 та муассасада 28 тасида иситиш қозонлари алмаштирилган. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда иситиш қозонларини алмаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастурга асосан жами 47 та муассасада 183 та қозонларни алмаштириш назарда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич қониқарли даражада бажарилмаган.

Амантай НИЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим прокурори

Жорий йилнинг январидан биринчи октябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси бўйича аҳоли яшовчи хонадонларга суюлтирилган газ, ижтимоий соҳа объектлари учун кўмир ва бошқа ёқилги маҳсулотларини етказиб бериш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас.

Яна бир ачинарли ҳолат шундаки, иккита таълим муассасасига "Элликқалъа нефть базиси" УКнинг 29 млн. 5 минг 700 сўм дебиторлик қарздорлиги мавжуд бўлганлиги сабабли шу кунга қадар 26,6 тонна ёқилги етказиб берилмаган. Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра мазкур ташкилотлар раҳбарларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Прокуратура органлари томонидан республикамизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назорат олиб борилмоқда.

Тизимли назорат тадбирлари

Аслиддин ТАШПУЛАТОВ,

Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Назорат тадбирларида жойлардаги давлат бошқарув органлари, архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва кадастр хизмати, солиқ идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар яратиш, фаолиятига асосиз аралашиб қаби қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар қўрилмоқда.

Хусусан, Мирзачўл туман ҳокими "Сана-Элдор" фермер ҳўжалигининг 41 гектар ер майдонини фермер ҳўжалиги раҳбарининг розилигисиз захира фондида қайтариб олиш ҳақида ноқонуний қарор қабул қилган. Мазкур қарор прокурорларнинг протестларига асосан бекор қилинган.

Шунингдек, айрим ташкилотларда тадбиркорларнинг муурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқмаслик ҳолатларига ҳам йўл қўйилган.

Мисол учун, Хива туман ҳокимининг ўринбосари "Йўлдош меҳид" фермер ҳўжалиги раҳбари Й.Искандаровнинг ва "Хоразм Гиламлари" МЧЖ раҳбари Э.Машириповнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ер майдони ажратиш ҳақидаги муурожаатларини кўриб чиқмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган.

Жорий йилнинг 9 ойида ўтказилган текширишлар натижасига кўра жами 2809 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, 401 нафар шахс интизомий, 386 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган, 6 млрд. сўмдан ортик маблағларни ундириш юзасидан судларга 134 та ариза киритилган.

Прокуратура, солиқ, статистика ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тузилган ишчи гуруҳлар томонидан 1398 та корхонанинг фаолияти қайта тикланиб, уларда 3025 та иш ўринлари яратилди.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги доимий назоратимизда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Бош прокурорнинг тегишли буйруқлари ижросини таъминлаш бўйича Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан назорат тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда.

Азим САТТОРОВ,
Самарқанд шаҳар прокурорининг ўринбосари

Шаҳар миқёсидаги давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан Конституция ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан самарали назорат олиб бориляпти. Қабул қилинган ҳуқуқий ва бошқа барча ҳужжатлар ўз вақтида ўрганилиб, йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. Хусусан, назоратни тизимли олиб бориш мақсадига шаҳар прокуратурасида "Давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш хонаси" ташкил этилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг 52 минг 499 та ҳуқуқий ҳужжатлари ўрганилди. Ўрганишлар натижасида 96 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, fairиқонуний ҳужжатларни бекор қилиш ҳусусида 96 та протест киритилди, 6 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Масалан, шаҳар 6-сон оилавий поликлиника бош шифокорининг буйруғи билан поликлиника ҳамшираси М.Усмоновага интизомий жазо чораси сифатида ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима қўлланилган. Меҳнат кодексининг 181-моддаси 1-қисмининг 2-бандида кўра, интизомий жазо чораси сифатида "ўртача ойлик

иш ҳақининг 30 фоизидан ортик бўлмаган миқдорда жарима" қўлланиши мумкин. Мазкур буйруқ протест келтириш орқали қонун ҳужжати талабига мувофиқлаштирилди.

Бу каби қонун бузилишига шаҳар 5-сон оилавий поликлиника бош шифокорининг "Интизомий жазо бериш ҳақида"ги буйруғида ҳам йўл қўйилганини кўриш мумкин.

Меҳнат кодексининг 84-моддаси 3-қисмида "Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юрларининг тегишли таълим муассасасини тамомланган кундан эътиборан уч йил ичда биринчи бор ишга қираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек, ходимлар билан олти ойгача мuddатда меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди", деб кўрсатилган. Аммо, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган С.Шерхолов шаҳар молия бўлими бошлигининг буйруғига кўра 3 ой синов мuddати билан ишга қабул қилинган. Қонун талаблари бузилган мазкур буйруқ протест келтириш орқали қонунга мувофиқлаштирилди.

Ўрганишлар даврида шунингдек, йўл ҳаракати қондаларини бузган ҳайдовчиларга нисбатан МЖТК нормаларига биноан маъмурий жарималар қўллаш амалиётида ҳам айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Вилюят ИИБ ЙХБ

ЙПХБ 3-отряд ЙПХ инспектори С.Аҳмедов жорий йилнинг 14 январида фуқаро Н.Мустафоқуловга транспорт воситасини хавфсизлик камаридан фойдаланмасдан бошқарганлиги учун МЖТКнинг 125-моддаси 1-қисми билан энг кам иш ҳақининг 120 сўм миқдорида жазо қўллаган. Бироқ МЖТКнинг 125-моддаси 1-қисмида хавфсизлик камаридан фойдаланмасдан транспорт воситаларини бошқариш энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида жазо солишига сабаб бўлиши кўрсатилган. Демак, С.Аҳмедов Н.Мустафоқуловга нисбатан энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисми, яъни 26 минг 48 сўм миқдорида жазо қўллаши керак эди. Мазкур қарор бекор қилиниб, қонун талабларига мувофиқлаштирилди.

Ўрганиш давомида шаҳар ҳокимлигининг 54 та қарор ва фармойишлари қонунга зид бўлганлиги сабабли протест келтириш йўли билан бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилган.

Аниқланган қонун бузилишларини содир этишга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни тўлиқ таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш, шунингдек, амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ўз вақтида амалиётга жорий этиш бўйича шаҳар миқёсидаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар билан тизимли равишда таҳриба ва ахборот алмашинуви ни йўлга қўйиш лозим. Зеро, ҳужжатлар ижросининг самараси унинг қонун талабларига қанчалик мос келишига боғлиқдир.

Ёшларга ғамхўрликнинг кафолати

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёш авлод тарбияси давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бирига айланган эди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган иқтидорли, салоҳиятли ёшларни шакллантириш, юртимизнинг ҳар қандай юқини дадиллик билан ўз елкасига оладиган, буюк ажлдорларимизга муносиб фарзандларни ҳамда мамлакат тақдирини учун жон фидо қиладиган ватанпарвар авлодни тарбиялаш ана шу сиёсатнинг асосини ташкил этди. Зеро, мустақилликдан кўп ўтмай, 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. 1997 йилдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эса айтиш мумкин, ёшларга ғамхўрлик ва эътибор соҳасидаги саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин тимсоли бўлди.



Жаҳонгир ХАТАМОВ,
Жиззах вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

Мустақиллик йилларида ёшларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш, уларга чуқур таълим ва тарбия бериш, истеъдод ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, илмий изланишларини рағбатлантириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик соҳасидаги қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш зӯридан жиддий ишлар амалга оширилди.

Энг муҳими, ёшларни касбага йўналтириш, ишлаб чиқариш тармоқларига жалб этиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларини битирган ёшларнинг асосий қисми ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилмоқда. Айна пайтда уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятларини қўллаб-қувватлашга эътибор янада кучайтирилди. Хусусий бизнесини ривожлантиришни танлаган ёш ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида биргина жорий йилнинг ўтган даврида ўтган йилнинг шу даврига қараганда 1,4 баравар кўп ёки 176,5 миллиард сўмлик сармоялар берилди.

Таълим муассасаларининг моддий-техника базалари жаҳон стандартлари даражасида жиҳозланмоқда ва уларга янги бинолар қуриб берилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида 47 та умумтаълим мактаби, 2 та муסיқа ва санъат мактаби, 50 та спорт объекти, 120 ўқувчига мўлжалланган 2 та касб-хунар коллежи барпо этилди. Болалар спорт объектларини барпо этиш ва реконструкция қилиш учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағмағамасининг 203 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағи ўзлаштирилди.

Ёшларнинг малакали билим олишлари ва илмий салоҳиятларини қўллаб-қувватлаш, олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиб-танган талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида уларга тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратилмоқда. Биргина ўтган 2015 йилда ана шу мақсадлар учун 71 миллиард сўмлик кредитлар берилган.

Бир сўз билан айтганда, давлатимизнинг ана шу ғамхўрлиги ва эътибори туйғайли бугун мамлакатимизда ижтимоий ва интеллектуал фаол, миллий қадриятларимиз ва аъёнларимизни чуқур ҳурмат қиладиган истеъдодли ҳамда қомил авлод шаклланди. Ёшларимизнинг биргина Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган ёзи

Олимпиада ўйинларидаги муваффақияти уларнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлайдиган ёрқин далилдир. Аммо шуни ҳам тилга олиш ўринлики, бугунги глобаллашув жараёни, жаҳон саҳнидаги мураккаб иқтисодий ва сиёсий вазиятлар, ахборот-коммуникация технологияларининг турмушимизга тобора чуқур кириб бораётгани, тараққиётнинг бугунги босқичи ёшлар соҳасидаги давлат сиёсатини янада чуқурлаштиришни талаб этмоқда. Шу йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилинишини ана шу ҳаётий заруратнинг пировард натижаси дейиш мумкин.

Янги қонун "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунга нисбатан қамрови кенг, унга бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Бу, энг аввало, қонунда ишлатилган асосий тушунчаларга берилган шарҳларда яққол кўзга ташланади. Жумладан, "ёшларга оид давлат сиёсати" тушунчаси давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими эканлиги қайд этилган. Шунингдек, ун тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар республикамиз нуфузининг ёшлар қисминини ташкил этиши белгилаб қўйилди.

Қонундаги яна муҳим жиҳатлардан бири ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишлари ҳақидаги моддаларнинг кенг қамровда талқин этилганидир. Бу соҳадаги давлат сиёсати очик ва шаффоф бўлиши, унинг муваффақиятини таъминлашда устун равишда ёшларнинг ўзлари фаол иштирок этиши ҳамда унда маънавий, ахлоқий, маданий қадриятларга ҳурмат етакчи ўрин тутиши шарт.

Қонун ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни, уларни ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлашни, тадбиркор ва хусусий бизнесни йўлга қўйган ёшларни рағбатлантириш, таълим тизимининг сифатини такомиллаштириш вазифаларини назарда тутди. Давлат ёшларни ватанпарварлик, бағрини кенглик, қонунарлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга

хурмат руҳида тарбиялаш, уларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик голяридан ҳимоя қилиши лозим. Шунингдек, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш масалалари ҳам давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ташкил этади.

Маълумки, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жағмағаманинг деярли барча тармоқларини ўзига жалб қилади. Бу иш Вазирлар Маҳкамасидан тортиб, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларидаги бўлган жуда катта тизимни қамраб олади. Шу боисдан қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этадиган асосий органлар ва муассасалар тилга олинади. 9-моддага кўра, бундай ташкилотлар тизимида таълимни давлат томонида бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича, меҳнат, прокуратура, ички ишлар, адлия, мудоффа ишлари органлари киритилган. Кейинги моддаларда ана шу органларнинг бу соҳадаги муҳим вазифалари, мажбуриятлари ва ваколатлари белгилаб берилган.

Жумладан, 14-моддада прокуратура органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари ёритилган. Қонун талабига кўра, прокуратура органлари ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, бу соҳадаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси аниқ амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади, уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаларини ҳам прокуратура органлари зиммасига оқлатилган.

Биринчи марта қонунга ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки ва ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилот-

лари тўғрисидаги моддалар киритилди. Давлат ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини моддий ва моливий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таълим муассасаларининг биноларини, маданият ва аҳоли дам олиш марказларидан, спорт иншоотларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уста-вида назарда тутилган биноларга, уй-жой фондида, ашёларга, маданий-маърифий ва соғломлаштириш учун мўлжалланган мол-мулкка, пул маблағларига, қимматли қозғоларга эга бўлиши мумкин. Чунки улар қонуннинг 19-моддасига кўра, соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, жағмағаматда уларнинг роли ҳамда фаоллигини оширишга доир тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъулдирлар. Шунингдек, ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ҳамда рўёбга чиқаришни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш, фан, спорт, санъат ва маданият соҳасида ёшларнинг ижодий истеъдоди, қобилиятини эрта аниқлашга ҳамда ривожлантиришга қўмлаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунга қарши ҳар бир ёш фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини дахлсиздир. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш вазифалари кафолатланган. Жумладан, қонуннинг 23-моддасида иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга жойлаштиришга ёрдам, қўшимча иш ўринлари ва иختисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, ўқитиш бўйича махсус дастурларни ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда иш жойларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминлаш вазифалари белгиланган.

Кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам берилди. Иқтидорли ва истеъдодли ёшларнинг таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг энг яхши олий таълим даргоҳларида ўқитиш, қайта тайёрлаш ва амалиётни ўташ дастурларидан танлов асосида фойда-

ланишларини таъминлади. Илмий тадқиқот, маданий-маърифий ишларни ташкил этишлари учун ёш мутахассислар ва олимларга шарт-шароитлар яратиб берилди.

Қонун спорт муассасаларни тармоқларини ривожлантириш, иқтидорли ва истеъдодли ёш спортчиларни рағбатлантиришни кафолатлайди. Қонуннинг яна энг муҳим жиҳатларидан бири бу ёшлар тадбиркорлигининг давлат томонидан қўллаб-қувватлашишга қаратилган модданинг киритилганидир. Давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди, хусусий мулк эгаси бўлишга интилиши, бизнес иқлимини соғломлаштиришда иштирок этиш учун шарт-шароитларни яратди. Тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этишлари учун имтиёзли кредитлар ажратади, уларни зарур ҳолларда хусусий мулк ва бизнес фаолияти асослари бўйича ўқитади, соҳага оид тегишли дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасида ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бирор-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги ҳамда бундай чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Давлат вояга етмаганларни ҳимоя қилиш учун ёш муассасаларида ва иختисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлашда шахсини ҳуқуқлари ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишини, инсонпарварлик принципларига риоя этилишини кафолатлайди.

Вояга етмаганлар учун улар содир этган ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражаси ва уларнинг ёши ҳисобга олинган ҳолда ҳимоя қилиш учун ёш муассасаларида ва иختисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ табақалаштирилган режимида сақлаш назарда тутилди. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан ва иختисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёш фуқароларни ижтимоий мослаштириш чоралари кўрилади.

Умуман, янги қонун давлатнинг ҳамда унинг сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этадиган алоқадор ташкилотлар, шу жумладан, прокуратура органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари зиммасига бугунги ёшларнинг ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг фуқаролик жағмағаматини барпо этишдаги фаоллигини ошириш, жағмағамат ҳаётидаги кенг иштирокини таъминлаш учун барча зарур чораларни қўриш вазифасини юклайди. Бу вазифаларни ҳаётга изчиллик билан жорий этиш, қонун талабларининг бажарилишини таъминлаш, ҳар бир моддага сингдирилган ғамхўрликларини рўёбга чиқариш эса, нафақат давлатнинг, давлат органларининг, айна пайтда ҳар биримизнинг муҳим вазифаси бўлмоғи шарт.

Қишлоқ хўжалиги суиистеъмолчилик ва қонун бузилишлардан холи бўлмоғи лозим



Бугун мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутган аграр соҳа ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли, ҳар томонлама пухта ўйланган ислохотлар натижасида барқарор ривожланоқда.

Амалга оширилаётган ислохотлар, яратилган қулай шарт-шароит, қабул қилинаётган қонунлар, қолаверса, фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли улкан ютуқларга эришилапти.

Бу борада қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан прокуратура органлари томонидан доимий назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бунда асосий эътибор мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш, пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелiorация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғит ва ёнилги-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилмоқда.

Хусусан, прокуратура органлари томонидан экин майдонларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиб келингани аниқланиб, қўрилган чоралар натижасида 2817 гектари захира ер фондига қайтарилиши таъминланди. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида мансабдор шахслар томонидан 3097 та ҳолатда ер майдони ноқонуний ажратилганлиги аниқланиб, 49076 гектарининг қайтарилишига эришилди.

Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан 2960 та ҳолатда, фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан 116 та ҳолатда, "Ергодездакдастр" хизмати ходимлари томонидан 1 та ҳолатда, деҳқон хўжаликлари томонидан 7 та ҳолатда ва бошқалар томонидан 13 та ҳолатда экин ерлари ноқонуний равишда ажратиб берилган.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан экин майдонини фуқароларга сотиш йўли билан муомаладан чиқариш ҳолатлари афсуски, учрамоқ-

да. Масалан, Бойсун туманидаги "Чинсой" фермер хўжалиги раҳбари У.Қурбонов фуқаро П.Назаровга ер участкасини 31,3 млн. сўмга сотганлиги учун жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шундай ҳолатга Олтинсой туманидаги "Рамзиддин Каюмов" фермер хўжалиги раҳбари Ф.Хасанов ҳам қўли уриб, 7 нафар фуқарога 54,5 млн. сўм ва 100 АҚШ доллари миқдоридagi маблағ эвазига уй-жой қуришлари учун ер ажратиб берганлиги учун жиноят иши қўзғатилиб, қонунийлик таъминланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 14 нафар мансабдор шахс томонидан 95,9 гектардан ортиқ ер майдонлари ноқонуний ажратилиб, таниш-билишлари, яқинларига фермерликни расмиёлаштириб, мансаб суиистеъмолчиликларига йўл қўйилганлиги фош этилди.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга прокуратура органлари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 279 та фермер хўжалигига рўйхатдан ўтиш ва банкда ҳисоб рақами очилда, 1,7 млрд. сўм кредит, 7,5 млрд. сўм иш ҳақи, 25 млрд. сўм нақд пул олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Уларга 134,8 млн. сўм кредитор қарзини тўлашда ва 3,4 млрд. сўм дебитор қарзларни ундиришда, 4199 гектар ер, 13 минг 231 тонна минерал ўғит, 317 тонна нефть, 256 дон қишлоқ хўжалиги техникалари, 41,7 тонна чигит, 119,4 тонна бугдоя, 90 кути ипак курти, 95,6 тонна омухта ем маҳсулотларининг қонуний асосда ажратиб берилиши таъминланди.

Соҳада олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларга қарамасдан, айрим

мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан талон-торожликка йўл қўйилаётганлиги ташвишланарли ҳол, албатта.

Хусусан, "Ўзпахтасаноатэкспорт" компанияси тизимида идоравий назоратнинг сустиги оқибатида ўтган йил ҳосилидан мансабдор ва моддий жавобгар шахслар зиммасидаги 44,7 млрд. сўмлик пахта хомашёси ва маҳсулотлар талон-торож қилинган.

Масалан, "Андижонпахтасаноат" ҳудудий филиали МЧЖ ва унинг тизимидаги пахтатозлаш корхоналари мансабдор шахслари 8 млрд. 250 млн. сўмлик пахта хомашёсини талон-торож қилишган. Ҳудди шундай ҳолатни "Сирдарёпахтасаноат" ҳудудий филиали МЧЖ ва унга қарашли корхоналарда ҳам учратиш мумкин. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, қонуний чоралар кўрилди.

Қишлоқ хўжалигини сувсиз, сув иншоотлари-каналлар, зовур ва ариқларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу масалалар ҳозирги кунда энг долзарб бўлса-да, айрим вилоятларда ирригация ва мелiorация тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш ишларига етарли эътибор берилмапти.

Назорат тадбирларида 1 млрд. 122 млн. сўмдан ортиқ ирригация ва мелiorация иншоотлари ҳамда ушбу йўналишда ажратилган бюджет маблағлари талон-торож қилингани аниқланди.

Жумладан, "Амударёдавсувмахсуспудрат" унитар корхонаси мансабдор шахслари бюджетдан ирригация-мелiorация тадбирлари учун ажратилган 544 млн. сўмлик маблағдан мақсадсиз фойдаланиб, 50,4 млн. сўм пул маблағларини талон-торож қилганликлари учун жиноят иши қўзғатилиб, қонуний жазосини олди.

Ғузор туманидаги "Пачкамар" сув омборидан фойдаланиш бошқармаси мансабдор шахслари 22,3 млн. сўмлик маблағларни ўзлаштиришиб, ҳужжатлари қалбақлаштирилганликлари учун жиноят иши қўзғатилиб, суд қарорига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Ёнилги-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларининг сақлиниши ҳамда талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида 6,2 млрд. сўмлик ёнилги-мойлаш маҳсулотлари, 203,5 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинганлиги аниқланган.

Масалан, "Қарши нефтбазаси" давлат унитар корхонасига қарашли "Чароғил" фермерларга ёқилми тарқатиш шохобчаси бош оператори Қ.Даминов 56,6 млн. сўмлик дизел ёқилғисини ҳужжатлари қалбақлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги учун жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Муродулло АБДУХАКИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма
бошлиги ўринбосари

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида иш ҳақи, кредит ва бошқа маблағларнинг мақсадли сарфланиши таъминланмаганлиги оқибатида шунга йўналтирилган 2,7 млрд. сўм маблағ талон-торож қилинганлиги аниқланиб, прокуратура органларини аралашуви билан 830 млн. сўмдан ортиқ зарарларнинг айбдорлардан ундириб олиниши таъминланди.

Масалан, АТБ "Халқ банки"нинг Косон филиали мансабдор шахслари 2015 йилда пахта ва ғалла етиштириш учун Жамғармадан ажратилган жами 76 млн. 458 минг сўмлик имтиёзли кредит ва 101 млн. 471 минг сўмлик транш маблағларини бошқа мақсадларда сарфлашиб, талон-торож қилишганлиги учун қонун олдида жавоб бердилар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 2,4 млрд. сўмлик бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан 667 млн. сўмдан ортиқ зарарларнинг айбдорлардан ундириб олиниши таъминланди.

Хусусан, Мирзачўл туман ҳокимлиги балл бонитети паст бўлган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириб, кадастр ҳисолдорлигидан паст ҳосил олган фермер хўжаликлари аҳолини ўрганиш мақсус комиссияси мансабдор шахслари 261 та фермер хўжаликларининг кўрсаткичларини сохталаштириб, уларга бюджетдан 3 млн. 597,5 млн. сўмлик дотация ажратиб, талон-торож қилган.

Чорвачиликка оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида эса 11 та жиноят иши қўзғатилди.

Мисол учун, Учқудуқ туманидаги "Алтинтау" ширкат хўжалиги раҳбари Ш.Жунисов 461 млн. 701 минг сўмлик чорва молларини талон-торож қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тартилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасига кўра, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш бўйича 3052 та протест келтирилди, қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 1916 та тақдирномалар киритилди.

Тақдирнома ва қарорлар асосида 7105 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, судларга 87 млрд. 374 млн. сўмлик зарарни ундириш бўйича 6700 та ариза киритилди. 3230 нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман оғохлантилди. Шунингдек, жиддий қонун бузишлари юзасидан 294 та жиноят иши қўзғатилди, 19817 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганини баҳоловчи мезонлардан биридир.

Бугунги кунда прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур йўналишда олиб берилган текширишлар ва таҳлилларга мурожаат қилдиган бўлсақ, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида жисмоний

ва юридик шахслардан келиб тушган 381 та мурожаатнинг 300 тага яқини кўриб чиқилди, шу жумладан, 81 та мурожаат тегишлилиги бўйича давлат идораларига юборилди. Таъкидлаш жоизки, соҳага тегишли қонун ижросини таъминлаш жараёнида мурожаат қилган шахслардан 79 фоизининг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Шунингдек, бу борада ўтказилган текширишлар давлат бошқаруви ва назорат

органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга сансалорлик ҳолатларига барҳам берилмаганини, мурожаатда кўрсатилган айрим масалалар ўз ечимини топмаганлигини кўрсатмоқда. Олиб берилган назорат тадбирлари яқунлари бўйича мансабдор шахсларнинг 11 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, қонунга зид қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида 3 та про-

Отабек УСАНОВ,
Ангор туман прокурори

тест келтирилди.

Дарҳақиқат, юртимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Аммо Ватанимиз тинчлиги ва равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида яна бир муҳим вазифага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Мурожаатларга эътибор

Бу — қонунларни билиш, уларга итоат этиш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласи билан боғлиқ. Зеро ҳуқуқий маданиятга эга бўлган фуқарога ўз ҳақ-ҳуқуқи, бурчи ва мажбуриятини тўла англаб етати. Қолаверса, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги, шу билан бирга талаб ва эҳтиёжи ортиб бораётган бир пайтда раҳбар кадрларнинг масъулиятли бўлиши, хусусан, фуқаролар мурожаатларига эътибор билан ёндашиши муҳим аҳамият касб этади.

Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни судда кўриш

Сўнгги йилларда юртимизда жисмоний соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш, ёш оилаларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жумладан, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунилар шулар жумласидандир.

Республикаимиз суд тизимини янада такомиллаштириш, суд қарорларини қайта текшириш институтларини кенгайтириш, вужудга келадиган низоларни судга ҳал қилиш имкониятларини кенгайтириш, судьялар мустақиллигини таъминлаш ва уларга қўйилган талабларни кучайтириш бўйича бир қатор қонунларга қўшимча ва ўзгаришларнинг киритилиши бу йўналишдаги ислохотларни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси болалар тарбияси билан боғлиқ низоларнинг тўғри ҳал қилиниши, иш бўйича қонуний, асосли ва адолатли суд қарорлари чиқарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Қарориди таъкидланганидек, боланинг алоҳида яшаётган ота-онадан қайси бири билан бирга туриши; боласидан алоҳида турадиган ота ёки она билан боласининг тарбиясида иштирок этишга қаршиликни бартараф этиш; бошқа шахсларнинг тарбиясида бўлган болаларни ота-онасига қайтариш; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ва ота-оналик ҳуқуқини тиклаш; боланинг ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она билан кўришиши; фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ва бошқа низолар судда кўрилиши лозим.

Ушбу низолар бўйича қонуний, асосли ва адолатли суд қарорлари чиқариш, биринчидан, фуқаролик суд ишларини юретишда одил судловни амалга ошириш; иккинчидан, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш орқали уларнинг турмуш тарзи, руҳияти ва тарбиясига ихобий таъсир кўрсатиш, шу орқали ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашга хизмат қилади.

Суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналарнинг фарзанди уларнинг қай бири билан қайси боласи яшаш учун

қилиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини инобатга олади. Бунда боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшини ва ота-онадан қайси бирига кўнгил қўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларини, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг маълумот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини эътиборга олади.

Оила кодексига мувофиқ, ота-оналар бошқа шахслар олдида болаларини шахсан тарбия қилишда устун ҳуқуққа эгадирлар ва болаларини қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Бу талабни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли.

Оила кодексининг 76-моддасига кўра, боласидан алоҳида турадиган ота ёки она боласи билан кўришиши, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиш масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Агар ота-она келиши олмасалар, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади.

Суд алоҳида турадиган ота ёки онанинг боласини тарбиялашда иштирок этиш тартибини белгилайди ва бола билан бирга турадиган ота ёки онага бунга қаршилик кўрсатмаслик мажбуриятини юклайди.

Суднинг ҳал қилув қарори қасддан бажарилмаган тақдирда суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда болани унга бериш тўғрисида ҳал

қилув қарори чиқариши мумкин.

Оила кодексининг 80-моддасига мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибда амалга оширилади.

Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашлик деганда — ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмаслик тушунилади.

Ота-онанинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганликлари уларнинг болаларининг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмаганлигида намоён бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш охириги чорадир.

фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими жалб қилинади.

Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилишни таъминлаш мақсадида, болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини, мактабдан таърифномани, нотинч оиланинг назорат қилинганлиги тўғрисидаги материалларни, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг мудури тасдиқлаган васийлик ва ҳомийлик органларининг асосланган хулосасини, шунингдек болаларнинг тарбияланиш шартитларини ва ота-онани таърифловчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш лозим.

Болаларнинг фикрини, уларнинг тарафларга бўлган муносабатини аниқлаш, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими томонидан болаларнинг яшаш шартитини текшириш вақтида амалга оширилади. Иш ҳолатларига кўра суд томонидан болани сўраш зарур деб топилса, бундай сўровни боланинг ёшини ва ривожланганлигини эътиборга олиб, педагог қатнашувиди, унга манфаатдор шахслар таъсир этмайдиган вазиятда амалга ошириш лозим.

Музаффар ДЎСТҚОРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Юристар малакасини ошириш
маркази тингловчиси

тиклаш тўғрисидаги масалани ота ёки она ота-оналик ҳуқуқидан суднинг фуқаролик ёки жиноят иши бўйича чиқарган қарорига биноан маҳрум қилинганлигига қарамадан, фуқаролик суд ишларини юретиш тартибда ҳал этади.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъво ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар ёки прокурор томонидан бола кимнинг қарамоғида эканлигига қараб, ота ёки онанинг иккинчисига ёки бирига (ҳомийга) ёки болалар муассасасига нисбатан қўзғатилади. Бундай ишлар судлар томонидан васийлик ва ҳомийлик органлари вакилларининг ва прокурорнинг иштирокида кўрилиши лозим.

Ўз ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Бир қатор объектив сабабларга ота-онанинг (улардан бирининг) руҳияти бузилиши ёки бошқа сурункали касаллиги, оғир шартитнинг вужудга келиши, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқаларга кўра болаларни ота-онасининг ихтиёрида қолдириш ҳавфи деб топилса, суд



Алоҳида ҳолларда ота ёки онанинг айбли хулқ-атвори тасдиқланган тақдирда ҳам суд унинг хулқ-атвори хусусиятларини, шахсини ва бошқа муайян ҳолатларни эътиборга олиб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъвони рад этишга ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларига унинг ота-оналик мажбуриятларини бажаришини назорат қилишни юклаб, жавобгарни болалар тарбиясига нисбатан ўзининг муносабатларини ўзгариштириш зарурлиги тўғрисида огоҳлантиришга ҳақли.

Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган суддаги барча низоларни кўришда уларнинг ҳимояси юзасидан ким томонидан даъво қўзғатилганлигиндан қатъи назар, ишда иштирок этиш учун халқ таълими муассасалари

Ота-оналик ҳуқуқининг суд томонидан чекланганлиги уни келгусида тиклаш мумкин эмас, деган фикрни келтириб чиқармайди. Мазкур ҳуқуқни тиклаш суд орқали амалга оширилади.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъволарни кўришда ота-оналарнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзи ўзгарганлигига, уларнинг болаларини тарбия қила олиш-олмасликларига эътибор қаратади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклашга, агар бу болаларнинг манфаатларига мос келса, йўл қўйилади. Болалар бошқа шахслар томонидан фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

Суд ота-оналик ҳуқуқини

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 83-моддасига мувофиқ, шу моддада кўрсатилган шахс ва органларнинг даъвосига биноан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан туриб ота-онадан (улардан биридан) болани олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаши) мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ҳар бир боланинг бахтли болалигини ҳимоя қилиш, айниқса, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ низоларни олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг моддий ва процессуал-ҳуқуқий чораларини кучайтириш устувор вазифа ҳисобланади.



Қасддан банкротликка олиб келишнинг олди олинади

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичда асосий эътибор бозор иқтисодиётининг асосларини, авваломбор, қонунчилик базасини шакллантиришга, ислохотларнинг кейинги босқичда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилади. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда "ўзбек модели"ни яратишга асос бўлди.

Яратилган қонуний асослар ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишига олиб келди, улар амалга оширилаётган бозор ислохотларининг жадал ривожланишида кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ишларни тўғри ташкил қилган тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, махсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши мумкинлигини яхши билади. Хар қандай бошланган ишнинг муваффақияти замирида аввало, ҳалоллик, поклик ва энг муҳими халқ, давлат манфаати муржаасан бўлгандагина мақсадга эришилади.

Биламизки, барча тадбиркорлик субъектлари бирдек ривожлана олмайди. Улар орасида иқтисодий ночор аҳволга тушиб қоладиганлари ҳам бўлади. Бундай тадбиркорлик субъектларининг банкротлиги қонун асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари томонидан мамла-

катимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда бу борада амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, қонунларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар бериб келинмоқда.

Бу йўналишда Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Хусусий-лаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда судлар томонидан банкрот деб топилган корхоналарнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятлари таҳлил қилинганда, охириги йилларда банкротга учраган корхоналарнинг қарийб 97 фоизда умуман мулк мавжуд эмаслиги аниқланган. Бундай катта зарар суммалари ва бюджет олдидида қарзлар судлар томонидан ҳисобдан чиқарилмоқда.

Ҳўлбўки, уларнинг сабаби ўрганилганда, етарлича тадбиркорлик маданиятига эга бўлмаган айрим шахслар тадбиркорлик субъектларини ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида ташкил қилиб, ноконуний фаолият юритганликлари, ўзгалар мулкни талон-торож қилганликлари, олинган даромадларини ноконуний ўзлаштирганликлари аниқланиб, кредиторлардан ва бюджетдан бўлган қарзларини

қасддан тўламаслик мақсадида корхонани ночор аҳволга олиб келганликлари маълум бўлган.

Шу мақсадда қилинган таҳлиллар, Германия, Америка, Япония ва бошқа ривожланган хорижий ҳамда МДҲ давлатларининг амалдаги қонун нормаларини ўрганиш натижаси бўйича қасддан банкротликка олиб келиш механизмларини аниқлаш ва шундай ҳаракатлар учун чоралар белгилаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури ташаббуси асосида киритилган таклифга кўра республикамиздаги амалдаги норматив-ҳўқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Авалло, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли "Сохта банкротлик, банкротлики яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори тасдиқланди.

2014 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан қасддан банкротликка олиб келиш механизмни аниқлаш мақсадида "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг суд бошқарувчисининг ҳўқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб берувчи 19-моддасига ўзгартиш киритилиб, суд бошқарувчиси "сохта банкротлик, банкротлики яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлашга доир ҳаракатларни амалга ошириш ва чора-тадбирлар қўриши ҳамда улар ҳақида кредиторлар йиғилишига, ҳўжалик судига, банкротлик тўғрисидаги

ишлар бўйича давлат органида, шунингдек ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши"га доир ҳўқуқий норма билан тўлдирилди.

Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларни аниқлаб берувчи мазкур қонуннинг 36-моддаси тўлдирилиб, унда "Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар банкротлик тўғрисидаги ишда қўлланиладиган ҳар қандай тартиб-таомил жараёнида ҳўжалик судига сохта банкротлик, банкротлики яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш мақсадида экспертиза тайинлаш тўғрисидаги илтимоснома билан муражаат қилиши мумкин"лиги белгиланди.

"Банкротлик тўғрисида"ги Қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилганлиги инobatта олинмиб ва қасддан банкротликка олиб келганлик учун жавобгарлики белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 179^б-модда ва Жиноят кодексининг 181^б-модда билан тўлдирилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган янги моддага кўра, яқка тартибдаги тадбиркор томонидан ёки юридик шахс мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкнинг мулкдори томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан банкротликка олиб келиши, яъни тўловга қўбилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки ошириш, ушбу яқка тартибдаги тадбиркорнинг ёки

Шамсиддин СОХИБНАЗАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси бошлиғи

юридик шахснинг барқарор иқтисодий ночорлигига (банкротлигига) олиб келса, кредиторларга зарар етказилишига сабаб бўлса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шу каби ноконуний ҳаракатлар оқибатда кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, жиноят кодексига киритилган янги моддага кўра, жиноий жавобгарлик белгиланиб, айбдорларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳўқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Етказилган моддий зарар айбдорлар томонидан қопланган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди.

Уйлаймизки, қонунларимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар келгусида корхона ва хусусий тадбиркорлар томонидан самарали молиявий-иқтисодий ва ҳўжалик ишларини амалга оширишга, ҳўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида тузилган шартнома талабларининг ўз вақтида бажарилиши, тадбиркорлик маданиятининг юксалишига, тадбиркорлар ўртасида тенг рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

Тадбиркорлик — давлат ҳимоясида

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг устувор йўналиши саналади. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизнинг қайси бир манзилга борманг, тадбиркорлик жадал суръатларда ривожланиётганига гувоҳ бўласиз. Айни ушбу йўналиш аҳоли ҳаётида тобора намоён бўлиб, халқ фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётида туб демократик ва бозор ислохотларининг босқичма-босқич амалга оширилаётгани ана шундай улкан юксалишлар, эътирофли натижаларни туҳфа этаётир. Сўнгги йилларда бир қатор қонун ва меъёрий-ҳўқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг ижроси соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконини берди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, ушбу Фармонни мантиқий давоми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан қонунчилик ижросини назорат қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари зиммасига масъулиятли вази-фалар юклатилди.

Ушбу масъулиятли вази-фаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг 2015 йил 18 мартда "Қонунчилик ижроси устидан назоратни таъминлаш бўйича прокуратура фаолиятини такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди.

Мазкур меъёрий ҳужжатларни қабул қилишдан асосий мақсад хусусий мулкни ҳўқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кулай шарт-шароитлар яратишга ва хар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, ушбу соҳада давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришидир.

Хусусан, ушбу фармонлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартириш, ҳўқуқбузарликларнинг барақат олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилантикаси самардорлигини ошириш ва ҳўқуқбузарликларга йўл қўймасликни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вази-фаси сифатида мустаҳкамлади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур меъёрий-ҳўқуқий ҳужжатлар тадбиркор-

ларга яна бир имконият ва имтиёз ҳадя этган бир вақтда, айрим шахслар ушбу имкониятлардан ўзини шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш илжида юришди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Кармана тумани "SSP Karmana-t biznes markazi" унитар корхонаси собиқ директори М.Бердиев корхона ваколатига тадбиркорлик субъектларига консалтинг хизмати кўрсатиш ва таъсис ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдам бериш кирса-да, Фўқаро Х.Остонавага тадбиркорларни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш у раҳбарлик қилаётган корхона томонидан амалга оширилишини, шундан сўнг Кармана туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси тадбиркор сифатида рўйхатга олишини, ушбу ишларни амалга оширганлиги учун уни моддий манфаатдор қилишини айтиб, туман ҳокимлиги биноси олдида Фўқаро Х.Остонавадан воситачи орқали пул олаётган вақтда вилоят прокуратураси ва ИИБ ходимлари томонидан ушланган.

Мазкур ҳолат бўйича Навоий вилоят Кармана туман прокуратураси томонидан М.Бердиевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаларга бўйича кўзатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов олиб борилиб, уни айблаш ҳақидаги жиноят иши мазмунан кўриш учун жиноят ишлари бўйича Кармана туман судига юборилди.

Аҳроф КЕНЖАЕВ,
Бош прокуратура
Олий ўқув курслари тингловчиси

Суднинг ҳўқимига асосан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Кармана тумани "SSP Karmana-t biznes markazi" унитар корхонаси собиқ директори М.Бердиевга тегишли жазо тайинланди.

Дастлабки тергов натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудуди бошқармасига жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида тақдимнома киритилиб, натижаси бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Дарҳақиқат, яратилган ҳўқуқий асос ва имкониятлардан тўла фойдаланиш, ушбу соҳани ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳўқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг имкониятларидан кенг фойдаланишимиз мақсадаги мувофиқ бўлади. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳўқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликини ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Тумроҳлар

— Россияга яна ишга кетишим керак, — бемор боласини фолбинга кўрсатгани келган Орзигул нолий кетди. — Паспортни янгилаш, ҳужжатларни тўриллаш керак. Ҳаммаси харажат. Бунинг устига дўконлардан анча қарзим бор...

— Болангиз билан қийнаиб қолмайсизми? — деди Нигора фолбин унинг қўлидан ҳали икки ойлик ҳам бўлмаган чақалогини олиб.

— Билмасам, — чайналди Орзигул...

Боланинг иссиғи баланд, қорни дам бўлган, тагликлари тўлган, кийимлари ҳам бир аҳволда эди. Фолбин чақалокни ечинтириб, таглигини алмаштирди. Илик сувга спирт қўшиб, баданини артди. Иссиғи сал тушгач, яна ўраб қўйди. Сўнг Орзигулга юзланди:

— Болага "каша" берая-сизми?

— "Каша"га пул қайда? — деди Орзигул ҳорғин. — Картошка, гуруч, макарон...

— Булар икки ойлик чақалокча оғирлик қилади-да...

— Нима қилай? — Орзигул дардаш топилганидан енгил тортиб, қолган ҳасратини ҳам тўқа кетди. — Раҳима кеча бир дугонасини етаклаб келибди. Бухородан, дейди. Кейин билсам, Косондан экан. Тирноққа зор эмиш. Болангизни барибир боқа олмайсиз, унга беринг, дейди. Харажатларини берамиз, дейди. Бошим қотди. Уйлаб кўрай, эртага хабар олинглар, дедим...

— Болангиз сизга эмас, бошқа аёлга кўринаяпти, — деди Нигора фолбин конфетлар билан фол кўриб. — Раҳиманинг гапи тўғри. Барибир бу аҳволда болангизни боқа олмайсиз. Сизга ортиқча юк бўлади. Уларга бериб юборинг. Ташвишидан қутуласиз...


Орзигул Жумаева (исм ва фамилиялар ўзгартirilган) 1993 йилда гузорлик Эргаш исмли йигитга турмушга чиқди. Тўрт нафар фарзандли бўлишди. Аммо турмушлари "ўшамади". 2008 йилда келишмовчилик туфайли ажрашиб кетишди. Болаларнинг ҳаммаси отасининг қўлида қолди.

Орзигул Муборак тумани Сардоба қишлоғида яшовчи онасининг уйига равона бўлди. 2014 йилда ишлаш учун Россиянинг Новосибирск шаҳрига кетди. Уша ерда деҳқонobodлик бир эркак билан танишиб, бирга яшади. Ундан ҳомилдор бўлиб қолгач, 2015 йилнинг бошида уйига қайтди. Ойлар ўтиб, фарзанди Равшан туғилди. Орзигул турмушдан чиққач, боласи

Нафс аталмиш бало инсонни не қўйларга солмайди, дейсиз. Унинг домига тушган борки, юзи шувут бўлиб, эл аро маломатга қолади. "Камалак" номли мактабгача таълим муассасаси мудири савдоси лавозимда ишлаб келаётган Наргиза Муродова (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ҳам нафс сиртмоғига илинди.

Кунларнинг бирида мудиранинг олдига Назира исмли аёл келиб, икки нафар фарзандини боғчага жойлаштиришни сўради. Шунда у тамагирлик йўлини тўтиб: — Синглим, болаларингизни рўйхатга қўйганимдингиз? — деб сўради. — Опа, рўйхатга қўйиш каби тартиблардан хабаримиз бўлмаган. Тўғри олдингизга келавердим. Иложи бўлса, ёрдам беринг.

— Россияга яна ишга кетишим керак, — бемор боласини фолбинга кўрсатгани келган Орзигул нолий кетди. — Паспортни янгилаш, ҳужжатларни тўриллаш керак. Ҳаммаси харажат. Бунинг устига дўконлардан анча қарзим бор...



билан яна онасининг уйида яшай бошлади.

Тирикчилик ташвишлари кўпайиб, дўконлардан қарзга ботди. Муаммоларини ҳал қилиш йўли фақат ҳоржиде ишлаб келиш деган ҳаёлда Орзигул яна сафар тараддуди-га тушди. ***

Косонлик Адолат Бўронова мактабда ўқитувчи бўлиб ишларди. Турмуш ўртоғи Мансур билан ўн саккиз йил бирга яшашди. Шу йиллар давомида юрагини изтироб кемириб келди. Боси, унинг хонадониде чақалок йиғиси эшитилмади. Ажрашиб кетиш жуда оғир эди. Меҳрибонлик уйлари-га, ҳомийлик ва васийлик органларига қайта-қайта мурожаат қилишди. Таниш-билишларига маслаҳат солишди. Агар бирор киши боласини боқа олмаётган бўлса ёки бирор сабаб билан боласини фарзандликка бермоқчи бўлса, унга хабар беришларини илтимос қилди.

Шундай кунлардан бирида мубораклик таниши Раҳимадан қишлоқларида Орзигул исмли бир аёл Россияда ишлаб келиб, фарзандли бўлгани, аввалги турмушидан ажрашиб, онасининг уйида яшаётгани, боласини боқишга имконияти йўқлиги ҳақида эшитиб, ичи чироқ ёқилгандай ёришиб кетди. Дарҳол Раҳима билан йўлга отланишди. ***

Фолбиннинг уйида ҳасратлашув давом этаётган эди. Шу пайт эшик очилиб, Раҳима, унинг изидан Адолат кўричди.

— Уйингиздагилар боласини олиб, фолбинга кетди,

дейишди, — Раҳима саломалиқдан сўнг хавотирлиниб сўради. — Тинчликми, кичкинтой яхшимми?

— Мазаси йўқ, шунга фол кўрсатгани келувдим, — Орзигул тиззасидеги чақалокча термулди.

Гурунг узок давом этди. Раҳима яна "ўша масала"да келишганини айтди. Адолат кўзига ёш олиб ялинди. Нигора фолбин ҳам уларга қўшилиб, барибир боласини боқа олмаглигини, бу аҳволда нобуд қилиб қўйишини айтиб, Адолатга берса яхши бўлиши ҳақида маслаҳат берди.

Орзигул бироз ўйланиб туриб, Россияга кетиш учун ҳужжат тўриллаш, қарзларидан қутулиш учун 2 млн. 800 минг сўм кераклигини айтди. Адолат сўмқасидан 1 млн. 300 минг сўм ва 300 АҚШ доллари чиқариб берди. Орзигулдан болани ўз ихтиёри билан берганлиги, бу ҳақда ҳеч қандай шикоят қилмаслиги тўғрисида тилхат ёздирди олди. Орзигул чақалокнинг кийимчаларини ҳам олиб чиққан экан. Пулларни олиб, боласини "янги она" қўлига топширди. Чақалокни бағри-га босган Адолат қувонганича Раҳима билан қўчага чиқди. ***

Орзигул пуддан 300 минг сўмини олиб, қолганини фолбиннинг уйида қолдирди. Дўконларни айланиб, қарзларини берди. Кўча айланиб юрар экан, кўз ўнгидан чақалоғи кетмади. Уни яна кўргиси келди. Узок ўйланиб, Нигора фолбиннинг уйига қайтди. Пулларни олиб, боласини қайтариб беришларини

Илхом ЭРГАШЕВ,
Муборак туман прокурори
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Нуқид»

сўради. Аммо фолбин унга энди бунинг иложи йўқлигини айтди.

Орзигулнинг кўзига дунё қоронғу бўлиб кетди. Оёғини қўлига олиб, участка инспекторига югурди. Унга бўлган воқеани оқизмай-томизмай гапириб берди. Қилмишидан пушаймонлигини билдириб, боласини қайтариб олиб беришларини сўради. ***

Суднинг қора курсисидеги бу тўрт аёл қандай жирканч жиноятга қўл уриб қўйганларини ўзлари ҳам билмай қолишганини айтишди. Ҳа, улар уюшган тарзда амалга оширган жиноятнинг номи "одам савдоси" деб аталади. Улар бу масалани қонуний йўл билан ҳал қилишса бўларди. Аммо "сотувчи" ҳам, "харидор" ҳам, ўртадаги "даллол"у "ҳожатбарор"лар ҳам кўра-била туриб, ўзларини балога гирифтор қилишди. Икки ойлик норасиданинг ожиз аҳволдан фойдаланиб, уни бир буюм ё ҳайвондай баҳолаб, тақдир устидан ҳужм чиқариб қўйишди.

Жиноят ишлари бўйича Муборак туман судида бўлиб ўтган суд мажлисида уларнинг жиноятлари ўз икромларидан ташқари қатор далиллар билан ўз исботини топди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги "Одам савдоси-га оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг тегишли бандида белги-ланганидек, олди-сотди тари-қасидаги одам савдоси одам-нинг бир шахс томонидадан бошқасига пул, бошқа моддий қийматликлар (мулк), мулкий характердаги хизматлар, мулк-ий ёки пул шаклидаги қарз-дан воз кечиш ва ҳоказолар сифатидаги ҳақ эвазига бери-лиши тўғрисида ёзма ёки ор-заки битим тузилишини на-зарда тутди. Бундай кўри-нишдаги одам савдосида одам қандай мақсадларда со-тиб олинганлиги (сотилганли-ги) ҳуқуқий аҳамият касб эт-майди".

Суд ўз ҳукмини эълон қилди. Жиноят кодексининг те-гишли моддаларига кўра Ор-

зигул Жумаева ҳамда Адолат Бўроновага 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайин-ланди. Жазо шартли ҳисоб-ланиб, 3 йил синов муддати белгиланди. Нигора Муродо-ва ҳамда Раҳима Жовлиева эса 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Уларга ҳам жазо шартли ҳисобланиб, 2 йил синов муддати белги-ланди. Бу муддатлар давоми-да жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган озод-ликдан маҳрум этиш жазола-ри ижро этилмайди. Ашёвий далиллар ҳисобланмиш чақ-лоқ савдосида ишлатилган пуллар давлат даромади-га мусодара қилинди.

Норасида боланинг тақди-ри қандай бўлди, дейсизми? Китоб туманидаги "Меҳри-бонлик уйи"да тарбияланаёт-ган Равшанбек Жумаевнинг масаласини ҳал этиш Мубо-рак тумани халқ таълими му-ассасалари фаолиятини ме-тодик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳузуридаги ва-сийлик ва ҳомийлик органи зиммасига юклатилди.

Юртимизда одам савдоси-нинг ҳар қандай шаклига қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Бу борада қабул қилинган қонун асосида фуқ-арларимизнинг ҳуқуқлари ҳимояланмоқда. Қолаверса, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳамда барча ҳудудларда ўтказилаётган тад-бирларда бу борада етарлича тарғибот ишлари ташкил эти-ляпти. Шундай вазиятда ҳам арзимаган муаммолар учун ўз боласини сотган она, орзу-ларни ушалоғи учун гўё уйи-га қимматбахо ҳижоз сотиб олаётгандай бутун бошли одам эвазига пул санаган "ха-ридор", савоб дея жирканч ишга қўл уриб воситачилар "бир қишлоқи аёл бўлсак, бунинг жиноятлигидан хабар-имиз йўқ эди" деб туришса, нима дейсиз? Ахир улар аёл-ку, ахир улар она-ку... Наҳот-ки бу гумроҳ кимсалар юрти-мизда инсон манфаатлари энг олий қадрият эканидан беҳа-бар бўлишса? Наҳотки, инсон қадр-қиммати деган тушунча-лар уларга бегона бўлса? Бир-гина бола учун масъулиятни бўйнига олишни истамай, хо-риқ "хольва"си эвазига ундан воз кечган Орзигулга кимлар-дир бир умр орзулаб ўтади-ган оналик деган улуг марта-ба ярашармикан?

Ҳа, одам савдоси қўпчилик тушунганидай фақат ҳорижа-гина содир бўлиши мумкин бўлган ҳодиса эмас. Бу иллат ёнгинамизда, кўчамизда, ма-ҳалламизда, қишлоғимизда ҳам илдиэ отиши мумкин. Шундай экан, оғоҳ бўлайлик, азизлар!

Мудиранинг қилмиши

— Рўйхатга қўймаган бўлсангиз, маълум бир муддат қутишингизга тўғри келади.

— Илтимос, бир иложини қилинг! Ишга чиқишим керак, болалар қаров-сиз қолмасин.

— Майли, ёрдам бераман. Аммо ўзингиз биласиз, — дея чайналди му-дир.

Назира унинг мақсадини тушунган-дек бўлди. Мудира ҳам ишни тезроқ битириш учун "хизмат ҳақи" 150 АҚШ долларини бўлишини айтди.

— Бу гап ўртамизда қолсин, пулни тезлаштиринг. Жойлар кам, сизга ўхшаб боласини жойлаштирмоқчи бўлган ота-оналар эса кўп. Болаларин-гиз қолиб кетмасин, дейман.

Мудиранинг гапларидан шошиб қолган Назира чорасиз қолди. Нима

қилишни билмай, боши қотди. Уйига келиб, турмуш ўртоғига "ёрилди". Тур-муш ўртоғи мудиранинг талабини ба-жаришга имкони йўқлигини айтиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилди.

Орадан икки кун ўтиб, боғча муди-раси ашёвий далил — 150 АҚШ до-лларини Назира Сафаровадан олаёт-ганида қўлга олди.

Суд мажлисида Н.Муродова барча айбини бўйнига олиб, кечирим сўра-ди.

Суд Н.Муродованинг шахсини, аёл киши эканлигини, муқаддам судлан-маганлигини, оғир турдаги жиноятни Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Сенатининг 2016 йил 12 октябр-даги "Ўзбекистон Республикаси Кон-ституцияси қабул қилинганлигининг

Сайдирасул НАБИХОДЖАЕВ,
Чилонзор туман прокуратураси терговчиси

йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори эълон қилинганга қадар содир қилган-лиги, амнистия актини қўллашга мо-нелик қиладиган ҳолатлар аниқланма-ганлигини эътиборга олиб, унинг ҳаракати мазкур Қарорнинг 1-банди таъсири доирасига тушганлиги муно-сабати билан унга нисбатан жиноят ишини ушбу Қарорнинг 5-бандига асосан айбллик масаласини ҳал қил-май туриб тугатишни лозим топди.

Бу каби кечиримликдан нафс йўриғига юрган Наргиза Муродова син-гарилар тўғри ҳулоса чиқаради, деган умиддамиз.



Гумон имонидан айирди

Туман марказидаги қурилишда ишлаётган устанинг қўл телефонига хорижга кетган шегирди кўнгирак қилди.

— Ишга жойлашдим, савдо комплекси қуришга киришдик, — деди у мамнун бўлиб. — Прорабимиз яна тажрибали усталар керак, деяпти. Сизни айтсам, "чақир, тез келсин", деди.

— Таклифинг учун раҳмат, ука. Иш ҳақини қанча, дединг? Уша пулни шу ерда ҳам ишлаб толаяман. Мабодо, қайтиб келсанг, сенгаям иш бор...

Дарвоқе, шаҳар ва қишлоқларимизда таъмирлаш-қуриш ишлари авж оляпти. Катта-кичик корхоналар, дўконлар, йўллар, кўприклар, турар жойлар қад ростилапти. Қуришда, бошқа соҳаларда, хунари бор, ишга чанқоқ киши меҳнатига яраша даромад топяпти. Афсуски, олдидан оққан сувнинг қадрига етмай, алдовларга учиб, хорижга норасмий тарзда чиқиб кетганлар аксарият ҳолларда чақириб олган таниши, ҳамқишлоғи, қариндошига шахсини тасдиқловчи ҳужжатни топшириб қўйиб, текинга ишлаб беришга мажбур бўлмоқда, одам савдоси қурбонига айланмоқда. Энг ёмони, бир неча йил алоҳида яшаган эрхотин ўртасида тузилган ишончсизлик, рашк туфайли оилалар барбод бўлиб, баъзан асоссиз, беҳуда рашк фожиали яқун топмоқда.

Полвон (исм-фамилиялар ўзгартirilган) севгилиснинг висолига етишди, Мунисахонга уйланди. Севиб-севилиб турмуш қурганлар бахтиёр эди. Қиз кўришди, исмини Мухаббат, деб қўйишди. Қизалоқ бир ёшга тўлмай туриб Полвон хорижга отланди. Муниса уни йўлдан қайтаришга уринди.

— Хунарингиз бор. Ҳамма нарсамиз етарли. Кетманг.

— Кўп юрмайман, тезда қайтаман. Мана кўрасиз, битта тойчоқни миниб келаман.

— Билганлар айтишяпти. Юз кишидан бир кишининг омади чопса-чопаркан, бўлмаса йўқ. Ана дугонаминг акаси озиб-тўзиб, қуппа-қуруқ қайтибди.

— Таваккал қилмасанг, жонна қайда, дейдилар. Дунё кўраман, одам танийман. "Кўки"дан ишлаб, жўнатиб тураман.

Полвон сўзида туриб олди. Мунисанинг ёлвориларига қулоқ солмади. Россия давлатига жўнади. Чақириб олган танишининг таърифу тавсифлари сароб бўлиб чиқди. Ҳафсаласи пир бўлиб, ортга қайтган алашдада севган ёрининг оёқ олиши шубҳали туюла бошлади. "Мен йўқлигимда ким билан топишиб олдикин? Ким билан дон олиш-

Шокиржон СУЛТОНОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

дийкин?"... Шубҳа-гумон ичини тирнаб, Мунисани сўроқ-савоалга тутишлари туфайли ораларига совуқчилик тушди. Можаролар авжга чиқиб, Полвон қўлига эрк берди. Хотинини савалдади. Муниса қизчасини олиб ота-онасининг уйига кетиб қолди. Полвон зимдан кузатишни бас қилмади.

Уша куни Полвон ўзаро келишувга биноан Олтиариқ шаҳарчасидаги Тешабой ақанингни уйини таъмирлашга киришди. Кечки соат олтиларда ишдан қайтаётиб, туман марказида дўсти Ваҳобжонни учратди. Дўкондан бир шиша коньяк олиб, "майдалаб" ўтиришди. Дўсти билан хайрлашиб, уйига кетаётган эди, йўл четида тўхтаган "Жигули" машинасидан тушган Мунисага уни кўриб қолди.

— Қаердан келяпсан? Рулда ўтирган ким? — уни сўроққа тутди.

— Бу такси, ишдан келяпман.

— Қанақа ишдан?

— Ишингиз бўлмасин, — дея Муниса киракаш "Дамас" машинасига ўтирди. Ортидан Полвон ҳам чиқиб олди. Йўл-йўлакай сўроқ-саволларни ёвдирди. Йўловчилар, ҳайдовчининг қаршисида мулзам бўлган аёл машинадан тушди. Ортидан эргашган Полвоннинг гапларига яраша гап қайтараверди. Қариндоши Оқилжоннинг "Тико" машинасини тўхташиб, уйига етиб олди.

Маст кувёв эса қайнотанингни уйда жанжални давом эттирди. "Суюқоёқни ўлдираман", — дея дўқ-пўписи қилди. "Нексия" машинасида етиб келган қариндоши Маҳмуджон мастлигида шерга айланган кувёвни "қўл теккизиб кўр-чи", дея ташқарига чиқариб қўйди.

Полвон туман марказидаги ошхонага кириб, яна юз грамм ароқ ичди-да, ошпаздан пичогини бериб туришни илтимос қилди. "Хавотир бўлманг, яхшиликка ишлатаман", деб ёлворди. Кечқурун соат ўнларда қайнотасининг ҳовлисига девор ошиб тушди. Аёллар ўтирган сўрига яқинлашганида вазоҳатидан қўрқиб кетган Муниса ичкари хонага қочди. Полвон унинг ортидан қувиб кириб, бир неча марта пичоқ санчди. Муниса ерга йиқилди. Югуриб келган қайнотаси, қайнонаси ва хонадоннинг келини Полвонни ташқарига олиб чиқди. Мунисани зудлик билан шифохонага олиб боришди. Шифокорлар унинг ҳаётини асраб қўлишди.

Суд мажлисида айбига тўлик иқроор бўлган П.Ражабов ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Орият талашганлар

Ортиқча гурур, орият, калондимоглик инсондаги кучнинг жоҳилликка сарфланишига сабаб бўлади. Аслида ана шу куч хунарга, ҳалоо меҳнатга йўналтирилганда эди... Бунинг учун одам етарли даражада тарбияга эга бўлиши керак.

Санжар КАБИЛОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг ёрдамчиси

Алишер ўртоғи билан ўзининг автомашинасида қишлоғига келаятганда, қарама-қарши томондан жияни Дамир ўзининг "Spark"ида учраб қолди. Иккаласи ҳам тўхтади, Дамир машинадан тушиб Алишернинг олдига келди ва салом-алиқ қилди. Алишер унинг қўзи кўкарганига эътибор берди.

— Ким урди? — деди жаҳли чиқиб.

— Арзимаган гап, йигитчилик... Уч-тўрт кун олдин шаҳардаги кафедра Аҳад исмли бола урганди...

— Индамадингми? Сени ҳеч киминг йўқми? — ростамамига қизишди Алишер. — У бола билан гаплашиб қўйиш керак. Аҳад ану Шербекнинг жураسمى?

— Ҳа, ўша. Алишер дарҳол Шербекка телефон қилиб, ундан Аҳаднинг телефон рақамини сўради.

Бу пайтда Аҳад ўртоғининг "Damas"ида шаҳардан қишлоққа қайтаётганди. Телефонига нотаниш рақамдан кўнгирак бўлди.

— Аҳадмисан?...

— Менман, — шу пайт мусиқа баландлиги учун у томоннинг гапини тушунмай қолди ва мусиқани пасайтирди. — Тушунмадим...

— Тушунмай қолдингми, тушунтириб қўяман сенга, — Алишер қизишиб кетди.

Хуллас, икки оғиз гап ҳақоратга айланиб кетди, бир-бирига "Сени ундай қиламан, сени бундай қиламан", деган дўқ-пўписалар қилишди. Бу гап-сўзларни Аҳад ўртоғининг телефонига ёзиб олаверди. Гапнинг охирида:

— Гапинг бўлса уйимнинг олдига кел, гаплашиб оламиз, — деди-да телефонни ўчирди.

Кейин тоғаларига кўнгирак қилиб, олдига чақирди. Уйи яқинига келганда машинадан тушиб, ўртоғига:

— Сен кетавер, у барибир келмайди. Келса ҳам ўзим ҳал қиламан, — деди.

Уйи олдига келса, тоғалари келиб туришган экан. Аҳад ҳам уларнинг машинасига миниб, телефондаги сўхбатни қўйиб эшиттирди.

Шу пайт Алишер келиб тўхтади ва машинадан ўртоғи иккаласи тушиб, Аҳадга кўнгирак қилди. Аҳад уларнинг машинаси олдига келди.

Шунда Алишер бирданига Аҳаднинг юзига мушт туширди. Ур-тўполон, муштлашиш бошланиб кетди. Қоронғи тумани қолганди. Иккала томондан ҳам йигитлар муштлашишга қўшилиб кетди. Кўзи

қонга тўлган Аҳад югуриб уйига кирди ва қўлига илинган ошпичоқни кўтариб чиқди. Тўғри бориб Алишерга ташланди ва дуч келган жойига пичоқ ураверди. Тўполонда аввалига ҳеч ким сезмай қолди, кейин кимдир "пичоқлади!", деб бақирғач, тўполон бирдан тинчиди. Ҳамма қотиб қолди. Кўплашиб қонга ботган Алишерни машинага орттириш ва шифохона томон катта тезликда кетишди. Шу ерда қолганлардан бири ички ишлар бўлимига кўнгирак қилди. Аҳад ҳовлисига кирди, кейин қилган ишдан пушаймон бўлиб, сиқилди. Надомат гирдобдан ғарқ бўлган йигит ҳайҳотдек ҳовлисига сигмай кўчага чиқиб кетди.

Шифокорларнинг саяб-ҳаракатлари натижа бермади, кўп қон йўқотганлиги ва жароҳати оғирлиги туфайли Алишер шифохонада вафот этди.

Ҳаётини эндигина йўлга қўяётган бир йигит қизиконлик туфайли ота-онаси-ю қариндошларини чирқиратиб оламдан қўз юмди. Яна бири "қотил" деган тамгани олиб, умрининг бир қисmini панжара ортида ўтказадиган бўлди. Суд ҳукми билан Аҳад Салиҳов 13 йилга озодликдан маҳрум этилди.

«Оғу» савдогарлари


Абдулбосит НУРМАТОВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, гиёҳванлик инсон ҳаёти, тинчлиги, осойишталиги, миллат генофонди, халқ турмуш фаровонлиги, маънавияти, соғлом яшаш тарзига жиддий таҳдиддир. Шундай экан, фарқатгина оқиллик билан, ўзаро ҳамкорликка, яқинликка, бир ёқадан бош қирибиб бу даҳшатли таҳдиднинг илаизига бола уриш, унинг илаизини сугуриб ташлаш мумкин.

Юртимизда бу борада кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириляётганига қарамай, орамизда гиёҳвандликка, гиёҳфурӯушликка муккасидан кетган кимсалар ҳамон учраб турибди.

Иззат Файбуллаев ва Сардор Машариповларнинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) иккиси ҳам муқаддам жиноят содир этиб судланган. Бироқ улар бундан хулоса эсая олмаган экан.

2015 йилнинг бошларида И.Файбуллаев Қирғизистон Республикаси фуқароси Шокир исмли шахс билан танишиб қолади. Шокир янги танишини гиёҳванд модда истеъмол қилишга ўрганганини билиб, унга "яхшигина" таклиф билдирди:



— Мен сизга "куруғи"дан етказиб бериб тураман. Сиз уни сотиб, орасидан ўзингизга ҳам... а?

И.Файбуллаев севиниб кетди. Бироқ дам ўтмай қўлига хавотир оралади.

— Майлику-я, аммо бу зормандани чегарадан қандай олиб ўтасиз?

— У ёғи менинг ишим... Сиз "товар"ни вақтида сотиб, пулни ўйин қўлмай менга етказиб турсангиз бўлди. Ҳа, айтгандай, сизни

одамларимнинг ўзи топиб олади...

Шокир "ваъда"сининг устидан чиқди. Вақти-вақти билан танишини гиёҳванд моддалар билан таъминлаб турди. И.Файбуллаев эса "мол"га ўзи харидор топар, қимматига пуллаб фойда олар, шунингдек, ўзининг истеъмоли учун ҳам олиб қоларди.

Ана шундай куларнинг бириси у ҳамшаҳари Сардор Машарипов билан танишиб қолади.

Уч-тўрт "улфатчилик"дан сўнг И.Файбуллаев гиёҳванд модданин бир қисмини С.Машарипов ёрдамида сотишга киришди.

2015 йил 14 сентябрь куни И.Файбуллаев Равшан исмли шахс орқали Шокирдан 3500 АҚШ доллари эвазига 1 кг. 264 грамм "гашиш" гиёҳванд моддасини сотиб олди. Туш-лиқка яқин С.Машариповга кўнгирак қилди.

— Учрашасан бўладими? "Мол" келганди, янгиси...

Улар учрашган, 500 граммни унга сотиш учун берди.

С.Машарипов Наманган шаҳридаги "Яшил дехқон бозори" худудида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан тўхта-тилганда, у бирданига қўрқиб кетиб, қўлидаги целлофан пакетга ўралган гиёҳванд моддани улоқтирганича қоча бошлади. Бироқ узоққа бора олмади. Шунингдек, у гиёҳванд моддани қаердан, кимдан олганини айтишга мажбур бўлди.

И.Файбуллаевнинг шахсий автомабили ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, машинаниннг том қисмидан 2 бўлақдаги 757,18 грамм, ҳужжатлар сақланадиган қутидаги сумкадан эса 3,12 грамм, автомашина олд ўриндиғидан 2,53 грамм "гашиш" топилди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди И.Файбуллаев ва С.Машариповнинг мазкур жиноят ишини атрафилича муҳокама қилиб, уларнинг ҳар иккисини ўн уч йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Ака-ука Дилмурод ва Шухрат Салимовлар (исм-фамилиялар ўзгартрилган) олимбосотларикнинг антиқа усулини ўйлаб топди. Улар Қарши тумани Фелрон қишлоғида жойлашган, оёларига тегишли бўлган хонадонда "автомобилларга газ қуйиш шохобчаси"ни ташкил этишди. Бунда улар ҳеч қандай рухсатномасиз ва хавфсизлик талабларига риоя қилмаган ҳолда "бизнес"ларини юритишди.

Хонадондаги «газ қуйиш шохобчаси»

Дилшод СУЯРОВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Қарши шаҳар бўлими катта инспектори

Улар Самарқандга газ олиб кетаётган ҳайдовчилардан газни арзонгаров нарҳда сотиб олиб, ҳар килограмми 1000 сўмдан пуллай бошлайди.

СВОЖЖДЛҚ департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ўтказилган ҳамкорликдаги тезкор тадбирда улар қўлбола ускуналарда фуқаро А.Комилонининг "Nexia" автомашинасига 50 килограмм суюлтирилган газни қуйиб беришгаётган вақтда ушланди.

Тезкор тадбирда улардан 600, 500, 190, 20 килограмм сизимли идишлардаги газ ва резина шланглар расмийлаштириб олинди.

Д.Салимовнинг айтишича, шу куни уларга Самарқандга газ ташийтган Рустам исмли ҳайдовчи 150 килограмм газни 80 минг сўмга сотади. Ушбу ҳолат юзасидан давом эттирилган тезкор тадбир давомида Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Сарой қишлоғида яшовчи, шу тумандаги "Умид" МЧЖга қарашли "ЗИЛ-431412" русумли максус юк машинаси ҳайдовчиси Рустам Хуррамов уларнинг ноқонуний фаолият учун газ етказиб бераётгани фош этилди. Уша куни у "Шўртан газ махсулот" МЧЖдан "Умид" МЧЖга қарашли газ қуйиш шохобчасига етказилаётган 3660 килограмм суюлтирилган газдан 150 килограмминини Д.Салимовга 80 минг сўмга сотганлиги аниқланди.

СВОЖЖДЛҚ департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармасининг суриштирув бўлими томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан Д.Салимов, Ш.Салимов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан уларга жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай бизнеснинг ўз тартибқоидаси борлиги барчага аён ҳақиқат. Катта масъулият ва эътибор талаб этиладиган автомобилларга газ қуйиш фаолиятида эса бу борадаги талаблар янада ортади. Мўмай даромад кетидан қувиб, "қарвон"ни "йўлдан урган" газфурушлар эса афсуски, бу ишларининг жиноят эканлигини, қолаверса, "қўлбола" усулга асосланган фаолиятлари хаёт учун хавфлигини ўйламаганликлари оқибатида қонун олдида жавоб беришларига тўғри келди.

Пулларини яхшиликча қайтариб ололмадиларига қўзғари етган икки нафар банк миқозии ариза билан мурожаат этишди. Текширишда аниқланган ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Дастлабки терговдаги каби суд мажлисида ҳам сўвдан куруқ чиқмоқчи бўлган "мутахассис" айбини инкор этишга уринди. Бироқ унинг икки нафар банк миқозининг ишончига кириб, ҳисоб рақамларидаги пул маблагларидан ўзи билганича фойдалангани, "қайтариб бераман, жойига қуйиб қўяман", деб лақиллатиб юргани далиллар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланди.

Ўтган йилнинг апрель ойида фермер хўжалиги раҳбари А.Саидовнинг (исм-фамилиялар ўзгартрилган) қўл телефонида Фуқрат туманидаги банк филиалларидан бирида мутахассис вазифасида ишлаётган Зоҳидаҳон Ахророва кўнгирак қилиб, ишчиларга

Фирибгар «мутахассис»

иш ҳақи учун нақд пул берилаётганини айтади.

— Сизнинг ишчиларингизга иш ҳақиға икки миллион сўм ажратилган, — дейди З.Ахророва. — Шунга яна икки миллион сўм қўштириб, тўрт миллион сўм қилиб бераман. Фақат сиздан бир илтимосим бор: Танг аҳволга тушиб қолдим. Илтимос, шу пулларнинг икки миллион сўмини менга қарзга бериб туринг. Ўзоғи билан бир ой ичида қайтариб бераман.

Ўзига аввалдан таниш бўлган аёлга А.Саидов йўқ дея олмади.

— Майли, вақтида қайтарсангиз бўлди.

— Раҳмат. Чекни олиб келинг.

А.Саидов банкка келган, мутахассис унинг бошини айлантириб, бир донга тўлдирмаган нақд пул чекига имзо қўйдириб олади. Банк филиалининг кассирини "фермер хўжалиги раҳбари пулларини олиб қўйишни илтимос қилган", дея ишон-

тириб, ўша чек орқали 4 млн. сўмини олади ва ўз манфаатлари йўлида сарфлаб юборади.

Фириб борасида "тажриба орттирган" З.Ахророва ўтган йилнинг сентябрь ойида бошқа бир миқоз, оилавий корхона ташкил қилган М.Дўсма-товнинг ҳам қўл телефонида бир неча бор кўнгирак қилиб, холи-жонига қўймайди. Юз-ма-юз келган, ҳисоб рақамидаги пулни вақтинча бериб туришини илтимос қилади. "Ун кун ичида жойига қўйиб йўлнинг сентябрь ойида бошқа бир миқоз, оилавий корхона раҳбари эса 7 млн. 773 минг сўм пулни шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборади.

Орадан ваъда берилган вақт ўтгандан сўнг фермер 4 млн. сўмини, оилавий корхона раҳбари эса 7 млн. 773 минг сўм пулларини кайтариб беришни талаб қилишди. З.Ахророва миқозларга куоқ ваъдалар бериб, алдаб юраверади.

Суд зарарнинг ўрнини қоплаган фирибгар аёлга муайян мuddат мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда ақл тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Назиржон МАРАСУЛОВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Фуқрат туман бўлими бошлиғи

Пулфурушларнинг «ови» юришмади

Бугун юртимизда ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиши, ҳалола даромад топиб, рўзгорини тебратиши учун кенг имкониятлар, керакли шароитлар яратиб қўйилган. Бироқ орамизда фойда кўришнинг қингир йўллари ахтараятган ва бу билан қонунларимизга зид хатти-ҳаракатларни содир этаётганлар ҳам учраб турибми.

Умид Ҳосилов (исм-фамилиялар ўзгартрилган) ҳамда Олмасбек Зикировлар ана шундай қимсалар тоифасидан экан. Бу қимсалар хориж валютасини қонунларимизга хилоф равишда олиб-сотиб мўмай даромад қилишни мақсад қилишди.

Мана шу мақсадда юрган У.Ҳосиловга таниш аёллардан бири АҚШ доллари кераклигини айтади. Умид бунга

рози бўлади. Ахир, 5 минг 600 доллар эвазига 36 млн. 960 минг сўм эгасига айланса ёмонми? Умиднинг кўз ўнгига топадиган мўмайгина даромади келдию, бу иши қонунга хилоф эканлиги хаёлига ҳам келмади. У дарҳол шериги Олмасбекка кўнгирак қилиб, "бакуват миқоз" топганлигини айтиб, тез этиб келишни ташкиллади. Нафс балоси аллақачон унинг кўзини кўр, қулогини кар қилиб улгурганиди.

У.Ҳосилов Зангиота туман ҳудудидаги дўконлардан бирининг ёнида харидор аёл билан учрашади. О.Зикиров эса ҳамтовгои Умидга аёл берган пулларни санаб олишда ёрдам берди.

Бироқ Умид ва Олмасбекнинг текин бойлик эгаси бўлиш орузси чиппакка чиқди. 5 минг 600 АҚШ долларини аёлга бериб, 36 млн. 960 минг сўмини олаётган пайтда СВОЖЖДЛҚ департаментининг Зангиота туман бўлими ходим-

Жасур МАНИЯЗОВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Зангиота туман бўлими инспектори

лари томонидан қўлга олинди. Жиноят ишлари бўйича туман судида маъжур жиноий қилмиш атрофида кўриб чиқилди. Валютафурушлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ва уларга суднинг ҳукми билан энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш баравари миқдоридидаги жарима жазоси тайинланди.

Хулоса шуки, баъзи шахслар мўмай даромад илинжида ноқонуний йўллари истиёр этиб, оқибатда боридан мосуво бўлаётдилар. Бундай ҳолатлар эса қишини ҳар бир қадамини ўйлаб босишга, ақл билан иш юриштишга, ҳалоқ фаолият олиб боришга ундайди.

Сохта тадбиркор

Илҳомжон НЕГМАТОВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси катта инспектори

Диёр Рустамов иш юзасидан Абулла Раҳмонов билан Самарқанд шаҳрида танишиб қолади. Улар хўжалик моллари дўконидида улгуржи савдо қилишарми.

— Менинг ҳам бир нечта дўконларим бор, — деди Диёр сўхбат давомида. — Менда икки-учта дўкон бор, — деди Абулла ака.

— Унда ҳамкорлик қилайлик, амаким катта тадбиркор. У Хитойдан "мол" олиб келиб, ҳамма вилоятларга тарқатади, — Диёр шундай деган эди, Абулла ака рози бўлди.

Ростдан ҳам улар бошида яши ишлашди. Диёр Тошкентдан бир неча марта юк келтириб берди. Баъзида насияга ташлаб кетса, гоҳида арзон нарҳда бериб кетди. Хуллас, у шу йўл билан А.Раҳмоновнинг ишончига кирди.

Бир куни шошганча келиб: — Хитойдан 1 млн. долларлик юк олиб келаямиз, қанча пулингиз бўлса беринг, — деди.

Унга ишонган А.Раҳмонов 28 минг 500 АҚШ долларини бериб юборди. Бир неча кундан кейин келган Диёр: — Божхонага тўлашимиз керак, юкни олгач, сиздан қарзимни бирдан узаман, — деб яна 40 минг АҚШ долларини олиб кетди.

Шу билан қорасини ўчирди. Кейин эса Россияга қочиб кетди. А.Раҳмонов Диёрни узок вақт қидирди. Сўраб-суриштириб, унинг уйини топишга "муваффақ" бўлди. Маълум бўлишича, Диёр Рустамов ҳеч қаерда ишламас, дўкони ҳам, юк машиналари ҳам йўқ экан.

А.Раҳмонов бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Бу орада Диёр ҳам қайтиб келди ва барча айбларини тан олди.

Суд Диёр Рустамовни айбига яраша жазолади. Шунингдек, у тергов жараёнида А.Раҳмоновга етказган 68 минг 500 АҚШ долларини қайтариб берди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоаси Қумқўрғон туман прокурори Баҳодир Юнусовга укаси

Бобур ЮНУСОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Яхши яшаш илинжи кишини изланишга, ташаббусга ундайди. Аммо бу каби хоҳишдан фақат эгаси манфаатдор-у ўзгалар зарар кўралиган бўлса-чи?! Бундай ишбилармонлик кимга керак?

Сабоқ чиқармаган корчалоқ

Мақсуд АСЛОНОВ, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси катта инспектори

Шавқиддин Бақоев муқаддам судланган бўлишига қарамасдан, тақроран ноқонуний фаолиятга қўл ўрди. 2015 йилнинг ноябрь ойидан яширин цех очиб, ароқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қарабиски, Шавқиддин ароқчи, десангиз танимайдиган одам йўқ. Хоҳласангиз, "Берёзка белая", "Талая", "Коратов", "Сармиш" ароқларидан тортиб, "Шохруд", "Медовая водка"нинг барча-барчасини топшингиз мумкин. У ароқ ишлаб чиқариш учун мўлжалланган мослама-ю, акция маркалари, этикеткаларни ҳам бозордан ўзи танимайдиган одамлардан сотиб олиб, ишчиларга ёпиштириверди. Бозори чақон бўлиб бораётган корчалоқнинг фақат даромад қизиктирарди, холос. У одамларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриб ҳам ўтирмади. Қонун эса ҳар қандай ғайриқонуний ҳолатга муросасиз эканини унутди.

СВОЖЖДЛҚ департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда бу қимсаннинг ноқонуний фаолияти фош этилди. Суд томонидан Ш.Бақоевнинг хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо берилиб, унга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Қутлуғ бўлсин!



Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар фаолият юритган прокуратура фахрийси Бахтиёр Абдусаломов табаррук 70 ёшни қарши олмақда.

У меҳнат фаолияти давомида Олмалиқ шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчи, катта терговчи, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, бошқарма бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчиси, Зангиота туман прокурори, Ўзбекистон Транспорт прокурорининг ўринбосари, Бектемир туман прокурори, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори, Шайхонтохур туман прокурорининг ёрдамчиси каби масъул лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида ҳурмат қозонди. Шогирдлари уни тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Бахтиёр Абдусаломовнинг узок йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳурматли Бахтиёр Абдусаломов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Юртимизда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит яратишга қаратилган алоҳида эътибор жисмонан соғлом, маънан етук фарзандларни тарбиялашда юксак самаралар бермоқда.

Спортчи қизлар фахримиз

Бугун юртимизнинг чекка туман ва қишлоқларида ҳам барча талабларга жавоб берадиган спорт иншоотлари барпо этилиб, замонавий тарзда жиҳозланмоқда, малакали мураббийлар билан таъминланмоқда.

Самарқанд вилоятида ҳам минглаб қизлар спортнинг йигирмадан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг асосий қисми 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлардир. Шунингдек, соғломлаштириш гуруҳларига ҳам юзлаб аёллар жалб этилган.

Дарҳақиқат, хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммалашиб бораётгани оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар самарасидир.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган бундай улкан ишлар қизларимизнинг турли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритаётганида ҳам

Шерзод МАХАММАДИЕВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ўз ифодасини толмақда.

Жорий йилда ҳам самарқандлик спортчи қизлар мамлакат ва халқаро мусобақаларда қўллаб олтин, кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлди. Биргина бадий гимнастика йўналишидаги ютуқларимизни тилга олайлик. Спортчи қизларимиздан М.Қувондиқова Токиода жаҳон кубогида муваффақиятли иштирок этиб, 2-ўринни қўлга киритди. Грузиянинг Ботуми шаҳридаги халқаро турнирда Ш.Шокирхонова ва У.Абдувахобовалар ўз ёшлари доирасида 1-ўринга сазовор бўлишди. Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида Самарқанд олимпия заҳиралари колледжи ўқувчиси Н.Усмонова 2-ўринни эгаллади. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Спортнинг бадий ва спорт гимнастикаси, сузиш, теннис ва стол тенниси каби нафис турлари тобора оммалашиб бораётган қизларимизнинг соғлом ва дуркун ўсишида муҳим омил бўлмоқда.

Реклама (эълон)

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк

2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан куйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарход филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Huquq

юрidik gazeta

Muassis:
**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul ko'ib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-7453. 37 917 nusxada bosildi. Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: O'.DEHQONOV
Sahifalovchi: S.BABA JANOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaga manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

